

МУНДАРИЖА

Қўмита тўғрисидаги қисқача умумий маълумотлар.....	2
Қўмитанинг қисқача тарихи.....	3-10
Қўмитанинг ташкилий тузилмаси.....	11
Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари.....	12-21
Қўмита фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар	22-106
Қўмитанинг 2023 йилда амалга оширган ишлар тўғрисида маълумот	107-123

**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тўғрисида
УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Қўмита ташкил этилган сана	-	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ташкил этилган.
Раҳбарият	-	1. Раис – вакант 2. Раис ўринбосари – Қаюмов Асадулла Уролович 3. Раис ўринбосари – Карабаев Фаррух Эсаналиевич
Қўмита ҳайъати	-	7 нафар
Марказий аппарат	-	108 нафар
Ҳудудий бошқармалар	-	14 та
Қўмита таркибидаги ташкилотлар	-	2 та
Таълим муассасалари	-	мавжуд эмас
Манзили	-	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 3-уй.
Қўмитанинг расмий веб сайти	-	https://raqobat.gov.uz
Қўмитанинг ижтимоий тармоқдаги расмий каналлари	-	Telegram: https://t.me/RaqobatGovUz Facebook: https://www.facebook.com/RaqobatGovUz инстаграм: https://www.instagram.com/raqobat_gov_uz
Телефон рақами	-	(71) 207-47-00

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг қисқача ТАРИХИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналишлардан бири сифатида қаралди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар маҳсули сифатида бозор иқтисодиётининг самарали ҳаракатланиши учун муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодий рақобатни ривожлантириш учун зарур бўлган институционал асослар, шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бир қаторда, давлатнинг рақобат сиёсатини амалга ошириш ваколати берилган монополияга қарши давлат органи ҳам институционал тарафдан мустаҳкамланиб борди.

Ўзбекистонда рақобат сиёсати: Асосий саналар

- **1992 йил 2 июл** - “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва Ўзбекистонда рақобат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бошланди;

- **1992 йил** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида Монополияга қарши ва нарх сиёсати Бош бошқармаси ташкил этилди;

- **1996 йил** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди;

- **2000 йил** - Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға мувофиқ монополияга қарши орган Молия вазирлиги таркибидан чиқарилди, унга давлат қўмитаси мақоми берилиб, республикада монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш ваколати берилди;

- **2005 йил** - рақобат, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға мувофиқ монополияга қарши орган қайта ташкил этилди ва унга янги ваколатлар берилди.

- **2010 йил** - монополияга қарши курашишни тартибга солишни янада кучайтириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға мувофиқ монополияга қарши орган қайта ташкил этилди.

Иқтисодиётда кечаётган ижобий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, монополияга қарши органлар институтларини янада мустаҳкамлаш, 90 йилларда ва 2000 йилларнинг бошларидаги монополияга қарши қонунчиликларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди:

- **1996 йил 27 декабрда** Ўзбекистон Республикаси “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида” Қонуни қабул қилинди.

Янги қонун қоидалари иккита асосий йўналишлар бўйича муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, булар:

- монопол мавқеини суиистеъмол қилиш устидан назорат ўрнатиш ва унга йўл қўймаслик;

- иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларни яратиш;

- **1997 йил 24 апрелда** Ўзбекистон Республикаси “Табиий монополиялар тўғрисида” Қонуни қабул қилинди;

- **1996 йил 26 апрелда** Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган асосий ислохотлар:

Ушбу жараён уч босқичда амалга оширилди:

1-босқич (1991-1999 йй.) Рақобат муҳитини шакллантириш учун бозор механизмларини яратиш:

- **1992 йил 2 июлда** - “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва Ўзбекистонда рақобат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бошланди;

- **1992 йил** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида Монополияга қарши ва нарх сиёсати Бош бошқармаси ташкил этилди;

- **1996 йил** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди.

Шу йилда “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

2-босқич (2000 - 2010 йй). Монополист корхоналарни монополиядан чиқариш, бўлиб юбориш ва қайта ташкил этиш:

- **2000 йил** – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ монополияга қарши орган Молия вазирли таркибидан чиқарилди, унга давлат қўмитаси мақоми берилиб, республикада монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш ваколати берилди.

- **2005 йил** - рақобат, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ монополияга қарши орган қайта ташкил этилди ва унга янги ваколатлар берилди.

- **Қўмитага янги ном берилди** -Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси.

3-босқич (2010 йилдан бошлаб) Молия бозорларида монополияга қарши курашни тартибга солишни жорий этиш.

- **2010 йил** - монополияга қарши курашни тартибга солишни янада кучайтириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ монополияга қарши орган қайта ташкил этилди ва унинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш функцияси бекор қилинди.

- **2012 йил** - иккита давлат қўмитасини қўшилиб кетиши орқали яна қисман ўзгариш бўлди.

Шу йилда “Рақобат тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сонли “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тузилди ва унга монополияга қарши курашни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат олиб бориш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама бозорини тартибга солиш ва товар-хон ашё биржаларини лицензиялаш каби вазифа, функция ва ваколатлар берилди.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сонли ҳамда 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармонларига мувофиқ Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги негизда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ташкил этилди.

Шунингдек, 2023 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-108-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари, ташкилий тузилмаси, соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси”, Қўмитанинг хусусий секторга бериладиган функциялари рўйхати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар назарда тутилди.

Шу билан бир қаторда, 2023 йил 3 июл куни Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” ги қонунининг янги таҳрири қабул қилинди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг хусусий секторга бериладиган функциялари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Рақобат қўмитаси):

монополияга қарши республика органи бўлиб, ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлис Сенатига ҳисобдор ҳисобланади, ҳар йили иқтисодиётда рақобат муҳити ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ҳолати тўғрисида ҳисобот бериб боради;

ўз ваколатларини давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда амалга оширади.

Рақобат қўмитаси ходимларига нисбатан қайта ташкил этилган Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақланиб қолади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

эксклюзив ҳуқуқлар берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестри (рўйхати) жорий этилади ва ушбу реестрни юритиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан камситмаслик шартларига риоя этилиши устидан назорат Рақобат қўмитасига юклатилади;

Рақобат қўмитаси битим шартларини, товарлар реализация қилинадиган ҳудудни ва нархни белгилашга бир томонлама таъсир кўрсатиш имкониятига (устун музокара кучига) эга бўлган субъектларни аниқлайди ва улар томонидан устун музокара кучини суиистеъмол қилишни тақиқлайди;

рақобатга қарши келишувни тузган ёки ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатни содир этган юридик ёки жисмоний шахс бу ҳақда Рақобат қўмитасига биринчи бўлиб ихтиёрий равишда хабар қилса, у рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этилади;

давлат органлари давлат ёрдамини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рақобат муҳитига уларнинг таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун Рақобат қўмитасига мажбурий тартибда киритади;

товар, молия ва рақамли бозорда устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг расмий веб-сайтларида сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг монопол турлари бўйича намунавий шартномаларни (оферталарни) жойлаштиради. Бунда, Рақобат қўмитаси ушбу шартномаларни доимий равишда рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситишга олиб келадиган шартлар киритилганлиги ҳолатлари юзасидан ўрганиб боради;

асосий фаолияти табиий монополия шароитида товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар табиий монополиялар соҳасида фаолият олиб борганда улар табиий монополия субъектлари ҳисобланмайди. Бунда, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархлар (тарифлар) асоссиз оширилиши ёки нотўғри қўлланилиши, тадбиркорлар ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларининг камситилишига нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қўлланилади;

б) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Рақобат қўмитасининг ходимлари давлат харидлари, шу жумладан халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, давлат-хусусий шериклик ҳамда ишончли бошқарувга бериш соҳаларидаги танлов (тендер) комиссиялари таркибига киритилмайди;

в) рақобатга қарши ҳаракатларга чек қўйишда иқтисодий таъсири паст ҳолатлар бўйича биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўлламаган ҳолда, профилактик тушунтириш тадбирларини амалга ошириш тартиби жорий этилади;

г) Рақобат қўмитаси томонидан «Биз сизни эшитамиз» лойиҳаси жорий қилинади ва ушбу лойиҳа доирасида ҳар чоракда камида битта тармоқдаги тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар билан учрашув ўтказиш, рақобатга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш тизими йўлга қўйилади;

д) рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ташаббусларни рағбатлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўмаклашиш, уларни методологик қўллаб-қувватлаш, техник кўмак тақдим этиш, ходимлар малакасини ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш орқали жамоатчилик назоратини қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинади.

4. Рақобат қўмитаси (Ш. Шарахметов):

а) бир ой муддатда қуйидагиларни амалга ошириш бўйича тизимни жорий этсин:

рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фундаментал илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, рақобат соҳасидаги хорижий тажриба жорий этилишини ва миллий тизим билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

табиий монополия соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ва дастурлар тайёрлаш, иқтисодий таҳлил қилиш ҳамда монополияни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш;

кадрлар малакаси ва салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, шу жумладан хорижий экспертлар ва республиканинг олий таълим ташкилотлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда Рақобат қўмитаси, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида малакасини ошириш;

б) 2023 йил 1 сентябрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга салбий таъсирини камайтиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин. Бунда:

экслюзив ҳуқуқлар берилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини камситмаслик қоидаларини жорий этиш;

рақобатга қарши ҳаракатларга чек қўйишда иқтисодий таъсири паст ҳолатлар бўйича огоҳлантириш ва тушунтириш бериш тартибини белгилаш;

тармоқларни тартибга солишда юридик шахслар бирлашмаларининг бозордаги рақобатга салбий таъсирини чеклашга қаратилган қоидаларни жорий этиш инobatга олинсин;

в) 2023 йил 1 октябрга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда Рақобат қўмитаси тизимида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик, уларга олдиндан «ташхис қўйиш» ва коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таъсирчан механизмларни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

г) 2023 йил 20 декабрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

амалга оширилаётган лойиҳаларни таҳлил қилган ҳолда табиий монополияларнинг фаолияти мустақил регуляторлар орқали тартибга солинишини йўлга қўйиш, шунингдек, табиий монополияларнинг тарифларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ялпи хатловдан ўтказган ҳолда мақбуллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

истеъмолчиларга мамлакат истеъмол бозорида муомалада бўлган товарлар (ишлар ва хизматлар) тўғрисида маълумотларни онлайн тарзда олиш имкониятини берувчи «Товар тўғрисида маълумот» ахборот тизими ва мобил иловасини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич давлат органлари ва электрон ҳукумат ахборот тизимлари билан интеграция қилиш чораларини кўрсин;

д) Рақобат қўмитаси ва унинг тизим ташкилотлари мутахассислари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини монополияга қарши курашиш ва рақобатни ривожлантириш соҳаси бўйича илғор хорижий давлатларда қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларида ўқиш ва тажриба алмашиш учун юборишни таъминласин.

5. Рақобат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тармоқ инфратузилмаси билан боғлиқ ва табиий монополия, жумладан электр энергияси, табиий газ, темир йўллар, фуқаро авиацияси, аэропорт хизматлари, автомобиль йўллари ва телекоммуникация соҳаларида мустақил бозор регуляторлари институтини босқичма-босқич жорий қилиш бўйича таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, 2025 йил 1 январга қадар Рақобат қўмитасининг табиий монополия субъектларининг тарифларини тартибга солиш ва назорат қилиш функциялари босқичма-босқич ташкил этиладиган мустақил бозор регуляторларига ўтказилади.

6. Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғарма сифатида фаолият юритиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Рақобат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шарахметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаковга юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 июль,
ПФ-108-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 июлдаги ПФ-108-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) рақобатни таъминлаш, товар-хом ашё биржалари фаолиятини тартибга солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур соҳаларда қонунчиликка риоя этиш устидан назоратни амалга ошириш;

б) товар, молия ва рақамли бозорларда рақобат муҳитини таъминлаш, «картель» келишувлари ва тил бириктириш ҳолатлари, инсофсиз рақобат амалиётларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

в) монополияларга қарши курашиш, устун мавқега эга хўжалик субъектларининг, шу жумладан табиий монополия субъектларининг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши ва рақобатга қарши ҳаракатларига чек қўйиш;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик;

д) танлов (тендер) савдолари, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиш;

е) товар-хом ашё биржалари ва уларнинг аъзолари фаолиятини, шунингдек, товар деривативлари савдоларини тартибга солиш;

ж) асосий истеъмол, монопол ва юқори ликвидли товарлар нархларининг асоссиз оширилишига қарши чоралар қўриш;

з) соҳага оид комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама йўналишида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш;

и) рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар тақдим этиш.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси


**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси**

Қорақалпоғистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий
бошқармалари

«Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» давлат унитар корхонаси*

Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази

**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг марказий аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 108 нафар Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

I. Қўйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиш;

бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларини тартибга солиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг динамикаси ва шаклланиши механизмларини ўрганиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

II. Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни ривожлантириш ва монополистик фаолиятни чеклаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобатни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантиришни чекловчи якка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этишни амалга оширади;

вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши курашиш органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қилади;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва эълон қилади;

хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилади;

товар ёки молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шарт-шароитларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва устун мавқени эгаллаб турган хўжалик

юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

б) товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш соҳасида:

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганadi ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳи иштирокчиларининг таркибини белгилайди;

устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картел» келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш масалаларида ҳукуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни жорий этади;

устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополия субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юрidik шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳукуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарлар (хизматлар) нархлари устидан мониторинг олиб боради;

товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

в) савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиш соҳасида;

танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан розилик бериш орқали бозор концентрацияси устидан назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

товар-хомашё биржаларини лицензиялайди ҳамда улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

товар-хомашё биржаларининг лицензиялари реестрини юритади;

г) бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишида тенг шарт-шароитларни таъминлаш соҳасида:

юқори ликвидли монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади;

юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

табиий монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштиради;

табиий монополия субъектлари томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилиниши тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва мажбурий тарзда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар рўйхатини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

рақобатга қарши ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархларнинг (тарифларнинг), шунингдек, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархларнинг асосиз ўсишини аниқлайди ва уларга чек қўяди;

товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устама нархларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилади;

д) қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ҳужжатларни уларнинг рақобат муҳитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича таклифлар киритади;

рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

Монополияга қарши курашиш кўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Монополияга қарши курашиш кўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ҳамда унга идоравий мансуб тузилмалар орқали амалга оширади.

е) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишида иштирок этиш соҳасида:

махсус ваколатли давлат органи билан бирга товар-хом ашё биржалари учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди,

шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

товар-хом ашё биржалари фаолиятида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қилади ва ўрганади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар кўради;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

ж) товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларини тартибга солиш соҳасида:

товар-хом ашё биржалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва биржанинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган фьючерс савдоларини ўтказиш қоидаларини ҳамда фьючерс савдолари бўйича клирингни амалга ошириш тартибини келишади;

товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдолари ўтказилишини назорат қилади.

з) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

вазирликлар ва идоралар иштирокида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, стратегик дастурлар, «йўл хариталари»

ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат

органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

қонун ҳужжатларининг истеъмолчиларга таъсирини баҳолайди, давлат органларининг истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузадиган қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

и) истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш соҳасида:

истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар), уларни ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда етказилишини таъминлайди;

товарлар (ишлар, хизматлар), уларни ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисида, товарларнинг инсон соғлиғига таъсири ва бошқалар тўғрисида маълумот берувчи тизимни ўз ичига олган электрон платформа яратади ва юритади;

инсон ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотлар, шунингдек уларнинг ишлаб чиқарувчиси (ижрочиси) тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга етказиб боради;

к) аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

аҳолининг истеъмол билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини, шунингдек, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга оширади;

Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Сифат кун» марафони тадбирини ташкил қилади;

истеъмолчилар учун одатдаги ҳаётий вазиятларни ҳал қилиш, истеъмолчилар ўртасида низоларни судгача ҳал этиш имкониятлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари базасини, шунингдек, қўшимча ҳуқуқий маълумотлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган тизимни (электрон платформа, онлайн форум) ўз ичига олган ягона онлайн платформа ҳамда бепул маслаҳатлар порталини яратади ва юритади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича тушунтиришлар беради;

телевидение ва радиоканалларда, даврий нашрларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини, ушбу соҳадаги муаммо ва камчиликларни ҳамда уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, истеъмол маданияти ва истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш ва тизимли равишда ёритиб борилишини таъминлайдиган махсус дастурлар (рукнлар) ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш масалаларини тизимли ва таҳлилий ёритишга бағишланган теледастурлар чиқишини кенгайтиради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий масалалари бўйича кундалик ҳаётда кўп учрайдиган савол ва жавоблар кўринишидаги махсус қўлланмалар (брошюралар) тайёрлайди ва уларни аҳоли ўртасида, биринчи навбатда умумий таълим мактабларида бепул тарқатилишини ташкил қилади;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва истеъмолчилик ҳуқуқи асосларини ўрганиш бўйича махсус курсларни ташкил этади;

л) истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоратadbирларини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари бўйича огоҳлантиради;

истеъмолчилар қабулини ташкил қилади, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқирилишини таъминлайди, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

истеъмолчиларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шу жумладан истеъмолчиларнинг номуайян доираларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш орқали амалий ёрдам кўрсатади;

истеъмолчиларнинг номуайян доираси юзасидан уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчининг ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўриш тўғрисида судга мурожаат қилади;

айрим истеъмолчилар, уларнинг гуруҳи ва истеъмолчиларнинг номуайян доиралари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд амалиётини таҳлил қилади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилишнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали низоларни судгача ҳал қилиш учун онлайн хизматлар яратади ва уларнинг тизимли ишлаши бўйича таклифлар киритади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суддан ташқари ва судгача ҳал қилинган истеъмолчилар иштирокидаги низоларни ҳал қилишнинг қўлланиладиган механизмларини таҳлил қилади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

м) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш юзасидан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

инсон ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни аниқлашда иштирок этади;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга оширади, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарадиган сабабларни ва шароитларни аниқлайди ва ўрганади, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви ва назорат қилувчи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва жамоат органлари билан биргаликда зарур чора-тадбирларни олиб боради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ташкилотларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказилади;

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган улгуржи ва чакана савдо устамаларига риоя қилиниши устидан назорат қилади;

электрон тижорат ва улар билан боғлиқ ҳисоб-китоблардаги операциялар хавфсизлигини оширишга қаратилган тавсиялар тайёрлайди;

н) истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиши, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш йўналишида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва белгиланган тартибда эълон қилади;

давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилишни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этишга ишонтириш мақсадида профилактика суҳбатларини ўтказди;

тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқбузарликни давом этишига улар томондан йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш орқали расмий огоҳлантириш беради, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор тадбиркорлик субъектини, ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантиради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солишда илғор халқаро амалиётни таҳлил қилган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимининг институционал, ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлайди;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қониқарлилиги юзасидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказишни ташкил қилади;

о) тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш соҳасида:

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини оширишни такомиллаштиришда иштирок этади;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танлови доирасида «Йилнинг энг яхши маҳсулот» номинациясида номзодларни танлаш жараёнида иштирок этади;

қонунда белгиланган тартибда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади;

реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламани юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўради;

реклама соҳасида хорижий давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

даврий нашрлар, китоблар, ҳужжатли материалларнинг телевизион ва радио дастурлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш ва жойлаштириш учун материалларнинг бепул нусхаларини олади;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши бўйича тушунтиришлар беради;

реклама лойиҳаларининг (видео, аудио ва бошқа материаллар) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда реклама берувчидан, реклама ишлаб чиқарувчидан ва тарқатувчидан зарур ҳужжатларни, тушунтиришларни ва бошқа маълумотларни сўраб олади;

реклама берувчига, реклама ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги юзасидан камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма юборади;

семинар, кўргазма, конференция, шунингдек, кўплаб тадбирлар, тақдимотлар ва реклама тадбирларини бирлаштирган ҳолда, Ўзбекистонда маркетинг ва реклама соҳасида тадбирлар ўтказди;

ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ва унга киритиладиган ўзгартиришларни олдиндан келишиб беради;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маданий, тарихий ва диний объектлар жойлашган жойлардаги «рекламадан ҳоли зоналар»ни аниқлашда қатнашади;

реклама жойининг паспорти мавжуд бўлмаган ер участкаларига, биноларга ҳамда иншоотларга ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

п) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалаларида жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, бизнес вакиллари ва илмий муассасалар билан яқиндан алоқа ўрнатади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида жамоатчилик назорати фаолиятининг муҳимлигини кўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бўйича кўнгиллилар ҳаракатини ташкил этади ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади ва фаолиятини кенгайтиради;

р) истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг динамикаси ва нархи шаклланиши механизмларини ўрганиш бўйича:

истеъмол бозорини, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар нархини ўзгариши ва уларга нархларни шакллантириш тартибини таҳлил қилади;

ички истеъмол бозорларида нархларни барқарорлаштириш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устамаларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилишда иштирок этади;

бозорларда импорт товарларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишда, импорт ўрнини босиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда кўмаклашади;

с) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатади ҳамда ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этишни амалга оширади;

МДХга аъзо давлатлар ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимларни имзолаш бўйича тадбирларда иштирок этади.

Кўмита қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 6 июлдаги **ПФ-108-сон** фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 октябрдаги **ПҚ-411-сон** қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 июлдаги **ПФ-5490-сон** фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 мартдаги **ПҚ-5031-сон** қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги **ПҚ-4484-сон** қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” 2022 йил 8 апрелдаги **ПФ-101-сон** фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 сентябрдаги **ПФ-5817-сон** фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 июлдаги **ПФ-6019-сон** фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 январдаги **ПФ-5630-сон** фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 24 январдаги **ПҚ-4126-сон** қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 ноябрдаги **ПҚ-3386-сон** қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 30 ноябрдаги **687-сон** қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини тизимли назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 декабрдаги **716-сон** қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим хужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги **86-сон** қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги **80-сон** қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар-хом ашё биржаларининг фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 30 ноябрдаги **687-сон** қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини тизимли назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 декабрдаги **716-сон** қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 2 мартдаги **114-сон** қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва ушбу йўналишда давлат органлари ҳамда ташкилотлари ҳамкорлигини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 8 февралдаги **59-сон** қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда)

монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 3 июндаги **346-сон** қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар-хом ашё биржаларида фьючерс савдоларини жорий қилиш ҳамда маҳсулотларни автотранспортда ташиш хизматларининг электрон логистика савдо порталини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги **777-сон** қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 мартдаги **170-сон** қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 19 декабрдаги **1015-сон** қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 майдаги **402-сон** қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 мартдаги **249-сон** қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Монополияга қарши органнинг табиий монополиялар субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиши тартиби тўғрисида” 2014 йил 10 майдаги **118-сон** қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 20 августдаги **230-сон** қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 28 октябрдаги **239-сон** қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида” 2008 йил 24 декабрдаги **277-сон** қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 12 октябрдаги **225-сон** қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида” 2003 йил 4 февралдаги **66-сон** қарори.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаи	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
I. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш					
1.	Рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган концепция, стратегия ва «йўл хариталари»ни қайта кўриб чиқиш.	2023 йил ноябрь	Рақобат қўмитаси, вазирлик ва идоралар	-	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳалари бўйича қабул қилинган концепция, стратегия ва «йўл хариталари» қайта кўриб чиқилиб, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларига мувофиқлаштирилади.
2.	<p>1. Инсофсиз рақобатнинг янги кўринишлари юзага келаётганлиги сабабли уларни тақиқлаш бўйича қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ушбу ҳолатларни аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. «Картель» келишувлари ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлашнинг мавжуд тартибини жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда ушбу қонунбузарлик ҳолатлари ҳақида биринчи бўлиб хабар берган «картель» келишувлари иштирокчиларини жавобгарликдан озод қилиш.</p>	2023 йил ноябрь	Рақобат қўмитаси, вазирлик ва идоралар	Ижрочилар маблағлари	Инсофсиз рақобат, «картель» келишувлари ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш самарадорлигини оширилади.
3.	Рақобатни таъминлашга кўмаклашиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида	2023 йил ноябрь	Рақобат қўмитаси, вазирлик ва идоралар	Ижрочилар маблағлари	Рақобатни таъминлашга кўмаклашиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

	<p>нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.</p> <p>Бунда, рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>				<p>йўналишларида нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ҳисобига рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими яхшиланади.</p>
II. Рақобат соҳасида кадрлар малакаси ва салоҳиятини тизимли ошириш					
4.	<p>Рақобат қўмитаси, унинг тизим ташкилотлари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини рақобат, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишларида Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Сингапур, Япония, Россия ва бошқа давлатларда узоқ ва қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқитиш ва тажриба алмашишни ташкил этиш.</p>	2023 йил давомида	<p>Рақобат қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли давлат органлари ва ташкилотлар</p>	<p>Халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари, Рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари</p>	<p>Кадрлар малакаси ва салоҳиятини тизимли оширишга эришилади.</p>
5.	<p>Рақобат қўмитаси ҳузурида Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари марказини ташкил қилиш ҳамда уни бино билан ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.</p>	2023 йил июль	<p>Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>Бюджет маблағлари, Рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари</p>	<p>Товар ва молия бозорларида тадқиқотларни ўтказиш, нархлар конъюнктурасини таҳлил қилиш, табиий монополия соҳаларини ислоҳ қилиш ва кадрлар малакасини ошириш имкониятлари пайдо бўлади.</p>
6.	<p>Рақобат қўмитасига юклатилган вазифаларни самарали ташкил қилиш учун хорижий экспертларни жалб этиш ва унинг фаолиятини</p>	2023-2024 йилларда	<p>Рақобат қўмитаси</p>	<p>Халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари, Рақобат</p>	<p>Хорижий экспертлар билан биргаликда Рақобат қўмитасига юклатилган ҳар бир вазифаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда уларни</p>

	такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.			қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари	самарали ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.
7.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллий ижроия ҳокимияти ва бошқа давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари ходимларини янги таҳрирдаги «Рақобат тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти юзасидан ўқитишларни ташкил қилиш.	2023-2024 йилларда	Рақобат қўмитаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари	Рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақобат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушунтирилади.
III. Иқтисодиёт тармоқларида рақобатни ривожлантириш ва ҳудудлар билан ишлаш					
8.	<p>1. Иқтисодиёт тармоқларини рақобат ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб:</p> <p>қизил — рақобат ривожланмаган ва давлат иштироки юқори;</p> <p>сарик — рақобатга салбий таъсир этувчи омиллар мавжуд;</p> <p>яшил — рақобат ривожланган гуруҳларга ажратиш тизимини яратиш.</p> <p>2. Иқтисодиёт тармоқларида рақобат ривожланганлик даражасини таҳлил қилиб бориш.</p> <p>3. «Қизил» ва «сарик» гуруҳларга тушган тармоқлар бўйича ушбу соҳада давлат сиёсатини юритувчи давлат органлари билан биргаликда рақобатни чекловчи омилларни</p>	<p>2023 йил 1 октябрь</p> <p>Ҳар йили 1 августгача</p> <p>Заруратга қараб</p>	Рақобат қўмитаси, тегишли давлат органлари ва ташкилотлар	-	Иқтисодиёт тармоқларида рақобат ривожланганлик даражаси аниқланиб борилади ва рақобат ривожланмаган тармоқлар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда манзилли ишлар ташкил қилинади.

	баргараф этиш ва рақобатни ривожлантириш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш.				
9.	Давлат томонидан имтиёз, преференция ва субсидиялар тақдим этилишини тизимли мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш, унда берилган имтиёз, субсидия ва преференцияларни мониторинг қилиш (электрон, онлайн) тизимини жорий этиш ҳамда имтиёз, субсидия ва преференциялар берилган субъектлар реестрини юритишни назарда тутиш.	2023 йил октябрь	Рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	Имтиёз, субсидия ва преференциялар тақдим этишнинг ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тақдим этилган имтиёз, субсидия ва преференцияларнинг самарадорлиги баҳоланади.
10.	Республикаимизнинг 2 та ҳудуди ва 10 та тармоғида рақобатни ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиб, амалга ошириш.	2023 йил 1 октябрь	Рақобат қўмитаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари	-	Муаммолар мавжуд бўлган ҳудудларда ва тегишли тармоқларда рақобат ривожланиш ҳолати таҳлил қилинади ва таклифлар ишлаб чиқилади.
11.	Рақобатни ривожланишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни ўрганиб уларнинг ечими бўйича таклифлар киритиб бориш.	Бир йилда камида икки марта	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	Ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари билан уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича учрашувлар ўтказилиб, аниқланган муаммоларни туман, вилоят ва республика даражасида ҳал этиш учун тегишли вазирлик, идоралар ва уларнинг қуйи тизим ташкилотлари билан ишланади.
IV. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини назорат қилиш					
12.	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жамоат бирлашмаларининг ўрни ҳамда ролини ошириш чораларини кўриш. Бунда:	Доимий	Рақобат қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, манфаатдор	Ижрочилар маблағлари	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нодавлат ташкилотлари сони кўпайишига ва истеъмолчилар маданиятини шаклланиб боришига эришилади, истеъмолчилар

	<p>1. Истеъмолчилар жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, янги жамоат бирлашмаларини ташкил этишга кўмаклашиш.</p> <p>2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жамоат бирлашмалари мутахассислари малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ташкил этиш.</p> <p>3. Жамоат бирлашмалари маҳаллий вакиллик органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.</p> <p>4. Жамоат бирлашмалари самарали фаолият кўрсатиши учун турли грант ва молиявий маблағларни жалб қилиш.</p>		вазирлик ва идоралар		ҳуқуқларини ҳимояси тўла таъминланади.
13.	«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга товарни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ўзгартиришлар киритиш.	2024 йил март	Рақобат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	-	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари белгиланади.
14.	<p>Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида «истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича энг яхши корхона» номинацияси бўйича танлов ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хизматлар сифатини ошириш соҳасида энг яхши</p>	2024 йилдан бошлаб ҳар йили 15 мартда	Рақобат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ижрочилар маблағлари	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга кўрсатадиган хизматлар сифатини ошириш таъминланади.

	<p>натижаларга эришган корхона, ташкилотларни аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Танловда иштирок этиш учун номзодлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Тақдирлаш маросимини ташкил этиш.</p>				
15.	<p>Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама соҳасини назорат қилишда креатив ғояларни белгилаш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама бозорини назорат қилишда креатив йўналишларни белгилаш.</p> <p>2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини назорат қилишда креатив йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил сентябрь	Рақобат қўмитаси	-	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама бозорини назорат қилишда янгича ёндашув ва йўналишлар яратилади.
16.	<p>Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, истеъмолчиларга савдо, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларни «Истеъмолчи ишончи» сифат белгиси билан эътироф этиш тартибини жорий қилиш.</p>	2024 йилдан бошлаб	Рақобат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	-	Ўз фаолиятида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаган, истеъмолчилар муаммолари билан самарали ишлаш тизимини йўлга қўйган субъектларни аниқлаш ва баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.
17.	<p>Асосий турдаги 20 дан ортиқ ижтимоий муҳим аҳамиятга эга ва стратегик товарлар нархларининг кескин тебранишлари олдини олиш,</p>	2024 йил март	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	Нархларнинг асоссиз ўсиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида мазкур ахборот тизимининг давлат органлари ва электрон ҳукумат

	нархларнинг асоссиз ўсиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида тизимли мониторинг олиб бориш бўйича FAIR PRICE (<i>адолатли нарх</i>) ахборот тизимини яратиш.				ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши таъминланади, шунингдек, масалани тезкор кўриб чиқилиши ва таъсир чоралари кўрилиши таъминланади.
18.	«Товар тўғрисида маълумот» ахборот тизими ва мобил иловасини яратиш.	2023 йил декабрь	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	Истеъмолчиларга мамлакат истеъмол бозорида муомалада бўлган товар (иш, хизмат)лар тўғрисида маълумотларни онлайн тарзда мобил илова орқали олиш имконияти яратилади.
V. Рақобат соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш					
19.	Табиий монополиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда тарифларни тартибга солишнинг самарали механизмларини қайта кўриб чиқиш (<i>Вазирлар Маҳкамаси қарори</i>). Бунда, қуйидагиларни назарда тутиш: амалга оширилаётган лойиҳаларни таҳлил қилган ҳолда табиий монополияларнинг фаолияти мустақил регуляторлар орқали тартибга солинишини йўлга қўйиш; табиий монополияларнинг тарифларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, мақбуллаштириш.	2023 йил декабрь	Рақобат қўмитаси	-	-
20.	«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги қарорини қайта кўриб чиқиш	2023 йил октябрь	Рақобат қўмитаси	-	-

	<i>(Вазирлар Маҳкамаси қарори).</i>				
21.	«Инсофсиз рақобатни аниқлаш методикаси тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқиш <i>(Вазирлар Маҳкамаси қарори).</i>	2023 йил октябрь	Рақобат қўмитаси	-	-
22.	Устун мавқега эга деб эътироф этилган рақамли платформа операторининг рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳаракатларини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш <i>(Вазирлар Маҳкамаси қарори).</i>	2023 йил октябрь	Рақобат қўмитаси	-	-
VI. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш					
23.	Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг рақобат қонунчилигига мувофиқлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига ҳисобот бериб бориш.	Ҳар ярим йилда	Рақобат қўмитаси	-	Тегишли давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан рақобатга зид қарорлар қабул қилиш сонининг камайишига эришилади.
24.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига иқтисодиёт тармоқларида рақобатни таъминлаш ва тегишли соҳаларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ахборот киритиб бориш.	Ҳар чоракда	Рақобат қўмитаси	-	Рақобат ривожланмаган соҳаларни аниқлаш, уларда мавжуд рақобатга тўсиқ бўлаётган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш чоралари кўрилади.
25.	Рақобат қўмитаси молиявий фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш.	Ҳар чорак якуни билан	Рақобат қўмитаси	-	Рақобат қўмитасининг расмий веб-сайтида унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни эълон қилиб бориш орқали Қўмита фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади.

26.	Худудий бошқармалар иш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг энг муҳим фаолият кўрсаткичлари бўйича рейтингни жорий этиш.	2023 йил август	Рақобат қўмитаси	-	Худудий бошқармаларнинг чораклик кўрсаткичлари асосида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар инсон омилисиз шаклланади. Натижада худудий бошқармалар ходимларини рағбатлантириш ёки уларга интизомий чоралар кўриб бориш тартиби яратилади.
27.	Қўмита худудий органлари ходимларини марказий аппарат таркибий бўлинмаларида стажировка ўташни ташкил этиш, тегишли соҳа бўйича билим ва кўникмаларини ошириб бориш.	2023 йил давомида	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	Ходимлар фаолияти самарадорлигини оширишга, ходимларда лидерлик, фидойилик, вақтдан унумли фойдаланиш каби кўникмаларни ривожлантиришга эришилади.
28.	Қўмита ва унинг таркибига кирадиган ташкилотлар, худудий органларда коррупцияга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказиш, олдиндан «ташхис қўйиш» ва коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўриш.	Доимий	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	Коррупцияни олдини олишга, коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишга эришилади.
29.	Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ҳамда амалиётга жорий этиш.	2023 йил декабрь	Рақобат қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги	Ижрочилар маблағлари	Ахборотлардан фойдаланиш ва хавфсизлик тизими жорий этилади.
30.	Қўмита фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ва ресурсларини техник топшириқ талабларига мослиги бўйича экспертизадан ўтказиш.	2023 йил октябрь — декабрь	Рақобат қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги	Ижрочилар маблағлари	Қўмита фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ва ресурсларининг техник самарадорлиги ва натижадорлигига эришилади.
31.	Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг тегишли марказларида	2023 йил давомида	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	

	Кўмита фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ва ресурслари, дастурий таъминотлар ва электрон реестрлар маълумотларини белгиланган тартибда захиралашни ташкил қилиш.				
32.	<p>Рақобат қўмитаси фаолиятида жорий этилган «FAIR TECH» ягона ахборот тизими доирасида рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни қўриб чиқишнинг қуйидаги тартибларини тўлиқ рақамлаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> электрон шаклда мурожаат қилиш; мурожаатларни электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш; тарафларни хабардор қилиш; мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиб бориш; комиссия қарорларини электрон шаклда юбориш ёки онлайн тақдим этиш; ҳисоботларни электрон шаклда юритиш. 	2024-2025 йиллар	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	Рақобат ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги ҳақида ишларини тезкор қўриб чиқиши ва зудлик билан қарор қабул қилишига эришилади.
33.	<p>Энергияни тежаш ва соҳага қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш.</p> <p>Бунда Кўмита марказий аппарати ҳамда ўз бинolari мавжуд бўлган ҳудудий органларнинг маъмурий бинolarига қуёш фотоэлектр</p>	2023 йил давомида	Рақобат қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	<p>Кўмита марказий аппарати ҳамда ҳудудий органларнинг маъмурий бинolarига қуёш фотоэлектр станцияси (панель) ва қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилади.</p> <p>Электр энергия сарфини 30 фоизгача иқтисод қилинишига</p>

станцияси (панель) ва қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш.			эришилади.
---	--	--	------------

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 июлдаги
ПФ-108-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг хусусий секторга бериладиган
функциялари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Функция	Ваколатли орган	Амалга ошириш муддати
1.	Эркин иқтисодий зона маъмурий кенгашига тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикасида ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмлари етишмаслиги ва рақобат муҳити даражаси тўғрисидаги хулосаларни бериш.	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	2023 йил 1 август
2.	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳуқуқбузарга ихтиёрий тартибда ҳуқуқбузарликни бартараф этишни назарда тутувчи огоҳлантириш бериш.		2023 йил 1 август
3.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириш ҳолатлари ҳамда инсофсиз рақобатни аниқлаш мақсадида товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш.		2023 йил 1 август
4.	Рақобат ривожланиши индексини юритиш.		2023 йил 1 сентябрь
5.	Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қабул қилиш бўйича маълумот-ахборот хизмати (Call-центр).		2023 йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармониغا 2-иловада:

а) 30-позицияда:

«Текширувлар (назорат функциялари)» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Назорат қилувчи орган» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 31-позицияда:

«Текширувлар (назорат функциялари)» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ваколатига кирувчи масалалар» сўзлари «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши масалалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Назорат қилувчи орган» устунидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон Фармонида:

1-банд «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

3-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармониغا 3-иловада:

1.7, 1.11, 2.7, 14.4 ва 16.3-позициялар «Масъул давлат органлари» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.12 ва 4.6.1-позициялар «Масъул давлат органлари» устунидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (Э. Хаитметов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги ПФ-5687-сон Фармониغا 1-илованинг ўнинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ш.Ш. Шарахметов — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5817-сон Фармонида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентликка» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига (кейинги ўринларда — Қўмита)» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 5-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги «Агентлик» сўзи «Қўмита» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Агентликнинг» сўзи «Қўмитанинг» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

е) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5877-сон Фармонига 3-илованинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ш.Ш. Шарахметов — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон Фармонида:

17-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг «б» кичик бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5903-сон Фармони 3-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармонида:

а) 23-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ш.Ш. Шарахметов — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодийни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони 1-бандининг «и» кичик банди тўртинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сон Фармонига 2-илованинг 11-позициясида:

«Ижро муддати» устунидаги «2022-2023 йиллар» сўзлари «2022 — 2024 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ижро учун масъуллар» устунидаги «Молия вазирлиги (Насритдинходжаев)» сўзлари «Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Вафаев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизминини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ-6003-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 26-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Ш.Ш. Шарахметов — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси»;

б) 3-иловада:

2.3-позициянинг «Масъул давлат органлари» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

10.6.1-позициянинг «Масъул давлат органлари» устунидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (Э. Хаитметов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонига илованинг 27-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Ш.Ш. Шарахметов — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодийдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сон Фармонида:

а) 1-банднинг «а» кичик бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2.2.-банднинг ўн биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.9.-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.10.-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 15, 21, 29 ва 41-позициялари «Масъуллар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси (Ш. Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илованинг 14 — 19-позициялари «Масъул вазирлик ва идоралар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6044-сон Фармонида:

14-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг «е» кичик бандидаги «Монополияга қарши курашиш кўмитаси (Шарипов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси (Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6074-сон Фармони 12-бандининг «в» кичик банди учинчи хатбошисидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармонига 23-илованинг 7.3.-позицияси «Ташкилотлар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон Фармонида:

а) 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-илованинг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

6.	Ш. Шарахметов	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси раиси	Жиззах вилояти
----	---------------	---	----------------

».

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон Фармонида:

а) 1-илованинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ш.Ш. Шарахметов — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси раиси»;

б) 2-илованинг ўнинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6191-сон Фармони 9-бандининг учинчи хатбошисидаги «Монополияга

қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6218-сон Фармонида:

«Кўмиталар» бўлимининг «Монополияга қарши қурашиш кўмитаси» кичик бўлимининг номидаги ва 54-позиция «Масъул давлат органлари» устунидаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Кўмиталар» бўлимидаги «Идоравий мансуб ташкилотлар» кичик бўлими ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши қурашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6252-сон Фармонида:

2-илованинг 13, 17, 20, 30 ва 31-позициялари «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 14-бандидаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг 47 ва 48-позициялари «Маълумотларни тақдим этадиган ташкилотлар» устунидаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида»ги ПФ-101-сон Фармонида:

а) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банддаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-илованинг ўн биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши қурашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги «Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-145-сон Фармонида:

а) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши қурашиш кўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларидаги истеъмол бозорларида нархларни мониторинг қилиш бўйича таркибий бўлинмаларнинг асосий вазифалари этиб ички бозорда истеъмол товарларининг нархларини, импорт концентрациялашувини, тариф ва

нотариф чораларнинг нархларга таъсирини таҳлил қилиш ҳамда савдо фаолиятида рақобатни таъминлаш белгилансин»;

в) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» кичик банди биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳузуридаги «Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» давлат унитар корхонасини ташкил этиш.

Бунда, «Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» давлат унитар корхонаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб унинг асосий фаолиятидан олинган даромадлар, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин»;

г) 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш кўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 12-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2-илованинг номидаги «Монополияга қарши курашиш кўмитасига ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-244-сон Фармонида 3-илованинг 9-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1236-сон қарорига 1-иловада:

а) 1-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-бандда:

«в» кичик банднинг иккинчи ва еттинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 12-банднинг «в» кичик бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1293-сон қарорининг 5-бандида:

еттинчи хатбошидаги «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 1 августдаги «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-1591-сон қарорининг 2-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2164-сон қарорида:

5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловининг 10-позицияси «Лицензияловчи орган» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2647-сон қарори 7-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар улар нархини давлат томонидан тартибга солишнинг белгиланган тартибига риоя этишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси юклансин».

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2692-сон қарори 13-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2773-сон қарори 4-бандидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озик-овқат товарларининг асосий турлари билан

ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3082-сон қарори 16-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3137-сон қарори 1-бандининг олтинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарори 6-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги ПҚ-3857-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 66-бандида:

олтинчи хатбоши «вакиллари киритилади» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3947-сон қарори 6-бандининг «в¹» кичик банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в¹) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Э. Карабаевга — товар-хом ашё биржалари хавфлари бўйича».

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4126-сон қарорида:

а) номидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 2-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча биринчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

биринчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг (кейинги ўринларда — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш ва зарур ҳолларда унга ўзгартиришлар киритиш»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилардаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг 2-марказий консултатив-диагностика поликлиникаси томонидан тиббий хизмат кўрсатилади»;

д) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошилардаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Агентлик» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ хизматларига 0,02 фоиз миқдордаги воситачилик йиғими»;

ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) 7-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 10-банднинг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 12-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 13-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 14-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 15-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4135-сон қарорига 1-илованинг тўртинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4290-сон қарорига 1-илованинг 7-бандидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4302-сон қарори 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сон қарори 15-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4348-сон қарорига:

а) 10-банднинг иккинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг ўнинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарабаев Фаррух Эсаналиевич — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари».

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4388-сон қарорига:

а) 20-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 14-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ш.Ш. Шарахметов — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси».

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги ПҚ-4426-сон қарорига илованинг олтинчи хатбошидаги «монополияга қарши курашиш» сўзлари

«Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-4484-сон қарорида:

3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4525-сон қарорида:

13-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 38-позицияси «Масъул орган» устунидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Шарипов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4551-сон қарорига илованинг 14-позицияси 14.6-банди «Ижро учун масъуллар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Шарипов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4554-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4634-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги «Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4662-сон қарори 2-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4813-сон қарори 2-бандидаги «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4881-сон қарорига 2-илованинг 32 ва 33-позициялари «Масъул ижрочилар»

устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон қарорида:

14-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловининг 45-позицияси «Ижро учун масъуллар» устунидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (Э. Хайитметов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-иловининг 5-позицияси «Туман (шаҳар) даражасида» устунидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (Э. Хайитметов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4890-сон қарорига 5-иловининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шарахметов Шахрух Шатургунович — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси».

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон қарорига 1-иловининг 21-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (Э. Хайитметов)» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5025-сон қарорига иловада:

23-банднинг учинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банднинг учинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5031-сон қарорида:

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловининг 2, 3, 4, 5 ва 6-позициялари «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5054-сон қарори 5¹-бандининг

бешинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги «Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5171-сон қарорига 2-илованинг ўн тўртинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг V бўлими 2-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5200-сон қарорига 5-илованинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. А.У. Қаюмов — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари».

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5263-сон қарорига 2-илованинг 11-позицияси «Ижро учун масъуллар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5265-сон қарорига илованинг 4 ва 6-позициялари «Ижро учун масъуллар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-73-сон қарорига 7-илованинг 19-позицияси «Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-123-сон қарори 5-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Франция тараққиёт агентлиги иштирокида «Навой вилояти Кармана туманида оқова сув тизимларини қуриш» ҳамда «Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри ва Китоб тумани марказида оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш» лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-171-сон қарорида:

7-илованинг 13-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-илованинг 13-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги «Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-221-сон қарорининг 10-банди бешинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги «Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-246-сон қарорига илованинг 13-позициясида:

«Ижро муддати» устунидаги «2022 йил декабрь» сўзлари «2023 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъул вазирлик ва идора» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-262-сон қарорига илованинг 14-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги «Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-283-сон қарори 16-бандидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-357-сон қарорига 2-иловада:

18-позиция «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-позиция «Масъул ижрочилар» устунидаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-411-сон қарорига 3-илованинг 9-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 ноябрдаги «Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-430-сон қарорида:

3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 декабрдаги «Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-443-сон қарорига 1-иловининг 29-позицияси «Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари» устундаги «Монополияга қарши курашиш» сўзлари «Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг (кейинги ўринларда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасидеб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини белгилайди.

2. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополия субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш ҳамда товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида масалалар бўйича — бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар) ва унинг таркибига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар юридик шахс

ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

7. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, қисқарилган номи — Рақобат қўмитаси;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Competition Promotion and Consumer Protection Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқарилган номи — Competition Committee;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Комитет по развитию конкуренции и защите прав потребителей Республики Узбекистан, қисқарилган номи — Комитет по конкуренции.

8. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг жойлашган манзили (почта манзили): 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 3.

2-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг тузилмаси

9. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тизимида:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси марказий аппарати;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари;

«Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» давлат унитар корхонаси; Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази.

3-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг вазифалари ва функциялари

1-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиш;

бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш.

товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларини тартибга солиш;

11. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантиришининг ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни ривожлантириш ва монополистик фаолиятни чеклаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобатни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантиришни чекловчи яқка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этишни амалга оширади;

вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши курашиш органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қилади;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва эълон қилади;

хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилади;

товар ёки молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шарт-шароитларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

б) товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириши, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш соҳасида:

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳи иштирокчиларининг таркибини белгилайди;

устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картел» келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш масалаларида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенсни жорий этади;

устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополия субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юрidik шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарлар (хизматлар) нархлари устидан мониторинг олиб боради;

товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

в) савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солиш соҳасида;

танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан розилик бериш орқали бозор концентрацияси устидан назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

товар-хомашё биржаларини лицензиялайди ҳамда улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

товар-хомашё биржаларининг лицензиялари реестрини юритади;

г) бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш соҳасида:

юқори ликвидли монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади;

юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

табiiй монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштиради;

табiiй монополия субъектлари томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилиниши тартибга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва мажбурий тарзда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар рўйхатини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

рақобатга қарши ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархларнинг (тарифларнинг), шунингдек, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархларнинг асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларга чек қўяди;

товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устама нархларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилади;

д) қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ҳужжатларни уларнинг рақобат муҳитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича таклифлар киритади;

рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ҳамда унга идоравий мансуб тузилмалар орқали амалга оширади.

е) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришига, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришига қарши курашни бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишида иштирок этиш соҳасида:

маҳсус ваколатли давлат органи билан бирга товар-хом ашё биржалари учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

товар-хом ашё биржалари фаолиятида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қилади ва ўрганади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар кўради;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

ж) товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларини тартибга солиш соҳасида:

товар-хом ашё биржалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва биржанинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган фьючерс савдоларини ўтказиш қоидаларини ҳамда фьючерс савдолари бўйича клирингни амалга ошириш тартибини келишади;

товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдолари ўтказилишини назорат қилади.

2-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасимарказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасимарказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чоралари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назорат қилиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солишни ташкил қилиш;

бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари савдоларини, шу жумладан, фьючерс савдоларини тартибга солиш.

13. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасимарказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни бажаради:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасива унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаситомонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизаси ўтказилишини ташкил этади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолиятини ҳуқуқий таъминлайди;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ваколатига кирувчи тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

рақобатни ривожлантириш ва монопол фаолиятни чеклаш бўйича давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобатни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантиришни чекловчи якка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганади ва жорий этади;

вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши курашиш органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қилади;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва эълон қилади;

хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилади;

товар ёки молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шарт-шароитларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳи иштирокчиларининг таркибини белгилайди;

устун мавқени суиистеъмол қилиш, «картел» келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш масалаларида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларида монополияга қарши комплаенсни жорий этади;

устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополия субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юрidik шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарлар (хизматлар) нархлари устидан мониторинг олиб боради;

товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан розилик бериш орқали бозор концентрацияси устидан назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

товар-хомашё биржаларини лицензиялайди ҳамда улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

товар-хомашё биржаларининг лицензиялари реестрини юритади;

юқори ликвидли монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади;

юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

табиий монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштиради;

табиий монополия субъектлари томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилиниши тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва мажбурий тарзда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар рўйхатини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

рақобатга қарши ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархларнинг (тарифларнинг), шунингдек, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархларининг асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларга чек қўяди;

товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устама нархларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ҳужжатларни уларнинг рақобат муҳитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича таклифлар киритади;

рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

товар-хом ашё биржалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва биржанинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган фьючерс савдоларини ўтказиш қоидалари ҳамда фьючерс савдолари бўйича клирингни амалга ошириш тартибини келишади;

товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларининг ўтказилишини назорат қилади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Марказий аппарати қонунчиликка ва кўмита раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг вазифалари ва функциялари

14. Қуйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳудудий бошқармаларига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатини аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва улар амалга оширилишини назорат қилиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат кўмагини монополияга қарши тартибга солишни ташкил қилиш;

бозор иштирокчиларига юқори ликвидли, шу жумладан, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланишда тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишларига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ташкил этиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларини олдини олиш;

аҳолининг истеъмомчилиги билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш;

реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмом бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг динамикаси ва нарх шаклланиши механизмларини ўрганиш.

15. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳудудий бошқармалари ўзларига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширадilar:

ҳудудий бошқарма ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

ҳудудий бошқарма фаолиятини ҳуқуқий таъминлайди;

ҳудудий бошқарманинг ваколатига кирувчи тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантиришни чекловчи яқка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этади;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ҳимоя қилишни таъминлайди;

товар ёки молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларга тенг шарт-шароитларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганиш ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини аниқлаш, шахслар гуруҳи иштирокчиларининг таркибини белгилайди;

устун мавқени суистеъмом қилиш, «картел» келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш масалаларида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополия субъектларининг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар киритади;

юрidik шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарлар (хизматлар) нархлари устидан мониторинг олиб боради;

танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назорат қилади;

шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан розилик бериш орқали бозор концентрацияси устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларни кўриб чиқади;

юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

табiiй монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

табiiй монополия субъектлари томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилишини тартибга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва мажбурий тарзда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар рўйхатини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

рақобатга қарши ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархларнинг (тарифларнинг), шунингдек, Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархларнинг асосиз ўсишини аниқлаш ва уларга чек қўяди;

товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устама нархларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритади;

рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади.

вазирликлар ва идоралар иштирокида иштирокида ишлаб чиқилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни жойларда ижросини амалга оширади;

аҳолининг истеъмол билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини, шунингдек аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоратadbирларини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари бўйича огохлантиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш реклама масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

истеъмолчиларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шу жумладан истеъмолчиларнинг номуайян доираларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш орқали амалий ёрдам кўрсатади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга оширади, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказилади;

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган улгуржи ва чакана савдо устамаларига риоя қилиниши устидан назорат қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қониқарлилиги юзасидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилади;

қонунда белгиланган тартибда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади;

ташқи рекламани жойлаштиришни тартибга солиш бўйича тегишли чоратадбирларни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалаларида жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда кўнгиллилар ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари қонун ҳужжатларига ва кўмита ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳамда бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

4-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

1-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

16. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиёзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ваколатига кирувчи масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатига тегишли масалалар бўйича зарур статистика маълумотларини давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасива унинг ҳудудий бошқармаларининг давлат мулкани, ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида, белгиланган тартибда бир ҳудудий бошқармадан бошқасига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида ўтказиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиходимларини уларнинг тегишли соҳадаги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрларни бажарганликларини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатларига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатларига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатларига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда халқаро даражада ифодалаш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муаммолари бўйича жамоатчилик, консультатив, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялари ташкил этиш, махсус кенгашлар чақириш, шунингдек, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш билан боғлиқ узоқ муддатли дастурлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, монополияга қарши давлат сиёсатини юритиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва юридик шахсларнинг вакилларини ҳамда жисмоний шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;

судларга даъво аризалари ва аризалар киритиш, ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида суд жараёнларида иштирок этиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари бўйича маъмурий ва жиноят ишларини кўзғатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;

белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, улар бўйича ишларни кўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суиистеъмол қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш аломатлари аниқланганда, охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумдан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

нархларнинг асосиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш;

мазкур банднинг ўн саккизинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асосиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асосиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган ҳаракатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини, шунингдек, уларга кўмаклашадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;

рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳайъати қарори асосида хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келиши мумкин бўлса, рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

тегишли давлат органларига лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш, божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд имтиёзларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

белгиланган тартибда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ҳақида, ёхуд уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тегишли хорижий ва халқаро ташкилотлар билан монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Рақобатни

ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш.

товар деривативлари савдоларига, шу жумладан, фьючерс савдолари жараёнида нарх манипуляцияларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича товар-хом ашё биржаларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

товар деривативлари савдолари, шу жумладан фьючерс савдоларига оид қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этмаган ҳамда савдолар жараёнида нарх манипуляцияларига йўл қўйган иштирокчиларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриш.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси томонидан мустақил равишда икки нафаргача малакали маҳаллий мутахассислар маслаҳатчилар сифатида бир йил муддатгача жалб қилиниши мумкин, қолган ҳолларда мутахассисларни жалб қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт.

18. Мулкчилик шаклларида қатъи назар ташкилотларда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинishi шарт.

19. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига рақобат ҳамда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколатлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларида тузиладиган махсус комиссияларнинг қарорлари асосида амалга оширилади.

20. Махсус комиссия рақобат ҳамда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шунингдек, асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлардан олиб қўйиш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Истеъмолчиларни аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда махсус комиссия асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) хўжалик юритувчи субъектлардан ундириш ва ихтиёрий тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

21. Хўжалик юритувчи субъектлардан олиб қўйиш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг бир ой муддатда ихтиёрий тўлов амалга оширилмаган тақдирда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси судга истеъмолчиларга қайтариш ва/ёки

асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) мажбурий ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан муружаат қилади.

22. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга оширилиши;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг, шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаситомонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

2-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасимарказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

23. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасимарказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлардан масалаларни таҳлил қилиш ва ўрганиб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасимарказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда белгиланган тартибда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасида кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар тузиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳудудий бошқармаларидан ва идоравий мансуб ташкилотлардан улар томонидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши охирига етказилишини талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни камчиликларни бартараф этиш учун қайтариш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари иштирокида мажлислар ўтказиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига белгиланган тартибда тезкор ҳал қилишни талаб қиладиган ва Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича топшириқлар бериш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасива унинг раҳбарияти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича фаолиятини ўрганиш ва текшириш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси марказий аппаратида монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муаммолари бўйича жамоатчилик, маслаҳат, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссияларини ташкил этиш, йиғилишлар чақириш, шунингдек, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш билан боғлиқ узоқ муддатли дастурлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, монополияга қарши давлат сиёсатини юритиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва юридик шахслар вакиллари ҳамда жисмоний шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;

судларга даъво аризалари ва аризалар топшириш, суд жараёнларида ўзининг ваколатига қирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш;

ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари бўйича маъмурий ва жиноят ишларини кўзғатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;

белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, улар бўйича ишларни кўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суистеъмол қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш аломатлари аниқланганда, охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари,

махаллий ижро этувчи ҳокимият органлар ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш;

мазкур кичик банднинг **учинчи хатбошида** назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асоссиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асоссиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган ҳаракатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини, шунингдек, уларни юзага келтирадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;

рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

хайъат қарори асосида хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келиши мумкин бўлса, ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш, божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд имтиёзларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

белгиланган тартибда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни

ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ҳақида, ёхуд уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида тегишли хорижий ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдолари жараёнида нарх манипуляцияларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича товар-хом ашё биржаларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

товар деривативлари савдолари, шу жумладан, фьючерс савдоларига оид қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этмаган ҳамда савдолар жараёнида нарх манипуляцияларига йўл қўйган иштирокчиларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриш.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши, шунингдек, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширилиши;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасифаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш бўйича Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппаратининг бўлинмалари иши ташкил қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг, шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаситомонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши ташкил қилиниши учун жавоб беради.

3-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

25. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўзларининг ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

судларга даъво аризалари ва аризалар топшириш, суд жараёнларида ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари бўйича маъмурий ва жиноят ишларини қўзғатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;

белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда улар бўйича ишларни қўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суистеъмол қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш аломатлари аниқланганда, охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш;

мазкур кичик банднинг **учинчи хатбошисида** назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асоссиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озик-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асоссиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган ҳаракатларни;

асосий озик-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини, шунингдек уларга кўмаклашадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;

инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш;

рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш, жарима қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

26. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳудудий бошқармалари:

ўзларига юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминланиши;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳудудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришиш таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммолар ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилиниши ҳамда умумлаштириш асосида таклифлар тайёрланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини

тартибга солиш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

5-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасираҳбарларининг функционал мажбуриятлари

27. Қуйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасираҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси, шунингдек, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолиятининг алоҳида қисmlарига раҳбарлик қилиши учун шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасива ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасифаолиятида ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасиходимларини тизимли равишда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаситизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг кадрлар захирасини шакллантириш;

фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти деб аталади) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти деб аталади) талабларига қатъий мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг **Намунавий регламентига** мувофиқ Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Регламентига** белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза кўйиш);

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»** 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва **«Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»** 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ва Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиҳодимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишга доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиҳодимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ **намунавий қоидалари** асосида тасдиқланган Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиҳодимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаситизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасива унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, «ягона дарча» принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиномидан иштирок этиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиқўмитасининг ҳайъати мажлисларида раислик қилиш;

зарурият бўлганда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ташкилий тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппаратининг, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни,

шунингдек, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари низомлари ва идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати ходимлари, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида кадрларни тайёрлаш, ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўриш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда тақлифлар киритишни таъминлаш ва мукофотлашга тавсиялар бериш;

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига ходимларни моддий рағбатлантириш ва Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаситизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш.

28. Қуйидагилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасифаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг

фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ҳамда мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳайъати қарорлари, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисига таклифлар киритиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Қўмита раиси томонидан кўриб чиқирилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қўмита раисининг топшириғига биноан иштирок этиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойихаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасираисига таклифлар киритиш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасиходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш бўйича Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасираисига таклифлар киритиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

6-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасираҳбарларининг жавобгарлиги

29. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб беради.

30. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси ўринбосарлари:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиюкланган вазифалар ва функцияларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда бажарилиши;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг жавобгарлик соҳалари бўйича ўзи назорат қиладиган масалалар юзасидан;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб берадилар.

7-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш

1-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раҳбарияти

31. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилиқ қилади.

32. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

33. Раис бўлмаган вақтда унинг ваколатлари раиснинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса раиснинг буйруғига мувофиқ бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

34. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати бошқармаларининг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари ва ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари ва раҳбарларнинг ўринбосарлари Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

2-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

35. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

36. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолиятлари йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликда:

топшириқларни ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларга таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, натижаларни умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил қилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўради;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар иштирокини ташкил этади, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

37. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппаратига ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг марказий аппаратига ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

38. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси томонидан қабул қилинади.

3-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

39. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

40. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

4-§. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳайъати, бошқа кенгашиш, маслаҳат ва эксперт органлари

41. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасида раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг фаолиятнинг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи бошлиқларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

42. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

ушбу Низомда белгиланган Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасифаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

қўмитаситизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини қабул қилиш, таркибий бўлинмалар ва ҳудудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли асосда эшитишни ташкил этиш;

ҳар чорақда ва тизимли тарзда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасифаолияти натижадорлигини кўриб чиқиш;

Ҳайъатнинг кенгайтирилган мажлисларини ўтказиш, шу жумладан сайёр ййғилишларни ташкил этиш орқали, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасифаолиятининг долзарб масалалари муҳокама қилинишини таъминлаш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қарорлари ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Ҳайъат Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатларига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

43. Ҳайъат мажлисига Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасиваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

44. Ҳайъат мажлисида унинг таркибининг ярмидан ортиғи иштирок этса, Ҳайъат мажлиси қонуний ўтказилган деб ҳисобланади. Кўриб чиқилагаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

45. Ҳайъат қарорлари Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисининг буйруғи (Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг қарорлари) билан амалга оширилади.

46. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси мустақил равишда қарор қабул қилади.

47. Ҳайъатнинг фаолият юритиш тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

48. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасида раиснинг биринчи ўринбосари (Кенгаш раиси), Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасифаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи айрим таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва бизнес-уюшмалар вакилларида иборат таркибдаги Жамоатчилик маслаҳат кенгаши ташкил қилинади.

49. Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг шахсий таркиби, аъзолари сони, шунингдек, унинг Низоми Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираисининг буйруғи билан тасдиқланади.

Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарорга асосан Кенгаш раисига унинг шахсий таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

50. Қўйдагилар Жамоатчилик маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

республикада рақобатни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни муҳокама қилиш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

рақобат муҳитини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда рўёбга чиқаришнинг механизмларини танқидий кўриб чиқиш;

қонунчилик базасини такомиллаштиришда иштирок этиш, шу жумладан, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг кўриб чиқиши учун ишлаб чиқиладиган ва киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларни муҳокама қилиш орқали иштирок этиш.

8-боб. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

51. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси, раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларига асосан амалга оширилади;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасимарказий аппарати бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларининг фаолиятини баҳолаш Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираиси томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларига асосан амалга оширилади.

52. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунларига кўра Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасираҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазога тортиш чоралари кўрилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ҚўМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган меҳнатға ҳақ тўлаш шартлари ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби қўлланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришға кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлашға доир қоидалари Агентлик ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади ҳамда Агентлик ташкил этилган санадан эътиборан қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н.Ш. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 декабрь,
1015-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 19 декабрдаги
1015-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Агентлик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) бўйсунди.

3. Агентлик Қўмитанинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва унинг тизимига киради.

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш, унга умумий раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш Қўмита томонидан амалга оширилади.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Қўмитанинг қарорларига амал қилади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик ўз фаолиятини Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари орқали, шунингдек, давлат органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилади.

7. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эгадир.

8. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги, қисқартирилган номи — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Агентство по защите прав потребителей при Антимонопольном комитете Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Агентство по защите прав потребителей.

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Consumer Protection Agency under the Antimonopoly Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Consumer Protection Agency;

9. Агентликнинг жойлашган манзили (почта манзили): 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 3.

2-боб. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижросчиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг динамикаси ва шаклланиши механизмларини ўрганиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

11. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш соҳасида:

истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

вазирликлар ва идоралар иштирокида истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилади;

қонун ҳужжатларининг истеъmolчиларга таъсирини баҳолайди, давлат органларининг истеъmolчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузадиган қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик ишларини ташкил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши борасида давлат кўмаги кўрсатилиши масалаларини кўриб чиқади;

б) истеъmolчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш соҳасида:

истеъmolчиларга товарлар (ишлар, хизматлар), уларни ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда етказилишини таъминлайди;

товарлар (ишлар, хизматлар), уларни ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисида, товарларнинг инсон соғлиғига таъсири ва бошқалар тўғрисида маълумот берувчи тизимни ўз ичига олган электрон платформа яратади ва юритади;

инсон ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотлар, шунингдек уларнинг ишлаб чиқарувчиси (ижрочиси) тўғрисидаги маълумотларни истеъmolчиларга етказиб боради;

в) аҳолининг истеъmolчилилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

аҳолининг истеъmol билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

истеъmolчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини, шунингдек, аҳолининг истеъmol маданиятини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга оширади;

Халқаро истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Сифат кун» марафони тадбирини ташкил қилади;

истеъmolчилар учун одатдаги ҳаётий вазиятларни ҳал қилиш, истеъmolчилар ўртасида низоларни судгача ҳал этиш имкониятлари, истеъmolчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари базасини, шунингдек, қўшимча ҳуқуқий маълумотлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган тизимни (электрон платформа, онлайн форум) ўз ичига олган ягона онлайн платформа ҳамда бепул маслаҳатлар порталини яратади ва юритади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича тушунтиришлар беради;

телевидение ва радиоканалларда, даврий нашрларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини, ушбу соҳадаги муаммо ва камчиликларни ҳамда уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, истеъмол маданияти ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш ва тизимли равишда ёритиб борилишини таъминлайдиган махсус дастурлар (руқнлар) ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш масалаларини тизимли ва таҳлилий ёритишга бағишланган теледастурлар чиқишини кенгайтиради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий масалалари бўйича кундалик ҳаётда кўп учрайдиган савол ва жавоблар кўринишидаги махсус қўлланмалар (брошюралар) тайёрлайди ва уларни аҳоли ўртасида, биринчи навбатда умумий таълим мактабларида бепул тарқатилишини ташкил қилади;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва истеъмолчилик ҳуқуқи асосларини ўрганиш бўйича махсус курсларни ташкил этади;

г) истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари бўйича огоҳлантиради;

истеъмолчилар қабулини ташкил қилади, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлайди, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

истеъмолчиларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шу жумладан истеъмолчиларнинг номуайян доираларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш орқали амалий ёрдам кўрсатади;

истеъмолчиларнинг номуайян доираси юзасидан уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчининг ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўриш тўғрисида судга мурожаат қилади;

айрим истеъмолчилар, уларнинг гуруҳи ва истеъмолчиларнинг номуайян доиралари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд амалиётини таҳлил қилади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилишнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали низоларни судгача ҳал қилиш учун онлайн хизматлар яратади ва уларнинг тизимли ишлаши бўйича таклифлар киритади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суддан ташқари ва судгача ҳал қилинган истеъмолчилар иштирокидаги низоларни ҳал қилишнинг қўлланиладиган механизмларини таҳлил қилади ва тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

д) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш юзасидан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан

товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

инсон ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни аниқлашда иштирок этади;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга оширади, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарадиган сабабларни ва шароитларни аниқлайди ва ўрганади, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви ва назорат қилувчи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва жамоат органлари билан биргаликда зарур чора-тадбирларни олиб боради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ташкилотларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказилади;

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган улгуржи ва чакана савдо устамаларига риоя қилиниши устидан назорат қилади;

электрон тижорат ва улар билан боғлиқ ҳисоб-китоблардаги операциялар хавфсизлигини оширишга қаратилган тавсиялар тайёрлайди;

е) истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш йўналишида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг реестрини юритади ва белгиланган тартибда эълон қилади;

давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилишни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этишга ишонтириш мақсадида профилактика суҳбатларини ўтказилади;

тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқбузарликни давом этишига улар томондан йўл кўймаслик тўғрисида тушунтириш орқали расмий огоҳлантириш беради, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор тадбиркорлик субъектини, ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантиради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солишда илғор халқаро амалиётни таҳлил қилган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимининг институционал, ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлайди;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қониқарлилиги юзасидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказишни ташкил қилади;

ё) тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш соҳасида:

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини оширишни такомиллаштиришда иштирок этади;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танлови доирасида «Йилнинг энг яхши маҳсулоти» номинациясида номзодларни танлаш жараёнида иштирок этади;

қонунда белгиланган тартибда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади;

реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламани юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўради;

реклама соҳасида хорижий давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

даврий нашрлар, китоблар, ҳужжатли материалларнинг телевизион ва радио дастурлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш ва жойлаштириш учун материалларнинг бепул нусхаларини олади;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши бўйича тушунтиришлар беради;

реклама лойиҳаларининг (видео, аудио ва бошқа материаллар) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда реклама берувчидан, реклама ишлаб чиқарувчидан ва тарқатувчидан зарур ҳужжатларни, тушунтиришларни ва бошқа маълумотларни сўраб олади;

реклама берувчига, реклама ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги юзасидан камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма юборади;

семинар, кўргазма, конференция, шунингдек, кўплаб тадбирлар, тақдимотлар ва реклама тадбирларини бирлаштирган ҳолда, Ўзбекистонда маркетинг ва реклама соҳасида тадбирлар ўтказилади;

ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ва унга киритиладиган ўзгартиришларни олдиндан келишиб беради;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маданий, тарихий ва диний объектлар жойлашган жойлардаги «рекламадан ҳоли зоналар»ни аниқлашда қатнашади;

реклама жойининг паспорти мавжуд бўлмаган ер участкаларига, биноларга ҳамда иншоотларга ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

ж) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалаларида жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, бизнес вакиллари ва илмий муассасалар билан яқиндан алоқа ўрнатади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида жамоатчилик назорати фаолиятининг муҳимлигини қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бўйича қўнғиллилар ҳаракатини ташкил этади ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади ва фаолиятини кенгайтиради;

з) истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг динамикаси ва нархи шаклланиши механизмларини ўрганиш бўйича:

истеъмол бозорини, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар нархини ўзгариши ва уларга нархларни шакллантириш тартибини таҳлил қилади;

ички истеъмол бозорларида нархларни барқарорлаштириш юзасидан асослантилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) тартибга солинадиган нархлари (тарифлари) ва устамаларига риоя этилишини таҳлил ва назорат қилишда иштирок этади;

бозорларда импорт товарларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишда, импорт ўрнини босиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда кўмаклашади;

и) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатади ҳамда ҳар тарафлама ҳамкорликни ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этишни амалга оширади;

МДҲга аъзо давлатлар ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимларни имзолаш бўйича тадбирларда иштирок этади.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Агентлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

2) вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

3) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) давлат органлари ва мансабдор шахслардан Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан статистик маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

5) Агентлик ваколатларига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига, Қўмига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиш;

6) Агентлик ваколатларига кирувчи масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни амалга ошириш;

7) судларга даъво аризалари киритиш, ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқиши бўйича суд жараёнларида иштирок этиш;

8) истеъмолчилар номуайян доираларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш;

9) ўз ваколатларига кирадиган масалалар доирасида қонун бузилиши билан боғлиқ жиноят аломатлари аниқланганда, материалларни белгиланган тартибда тегишли органларга юбориш;

10) Агентликнинг белгиланган тартибда назорат функцияларини амалга ошириши, шунингдек, ўрганиш ўтказиши давомида ҳуқуқни бузиш белгилари мавжудлигини кўрсатувчи етарлича маълумотлар бевосита аниқланганда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан тушган ахборот, жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, оммавий

ахборот воситаларидаги ҳуқуқ бузилиши белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлган хабарлар бўйича иш қўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;

10¹) инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш.

11) ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;

12) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, дори воситалари ва тиббий буюмларга ҳамда бошқа маҳсулотлар (иш, хизматларга) нархларини шакллантириш тартиблари бузилганлиги натижасида асосиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

13) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, ахборот бермаганлик ёки била туриб нотўғри ахборот берганлик, Агентлик кўрсатмаларини бажармаганлик учун хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жарималар (молиявий санкциялар) қўллаш тўғрисида судларга даъво аризалари киритиш;

14) хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш ва жарима қўллаш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келиши мумкин бўлса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш ва қўллаш тартиблари бузилганлиги учун ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

15) белгиланган тартибда Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

16) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

17) коворкинг марказлари ва «Истеъмолчи қабулхонаси» фаолиятини йўлга қўйиш;

18) синов лабораториялари ташкил этиш ҳамда уларни замонавий ускуналари билан жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб этиш;

19) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш;

20) малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида жалб қилиш, уларга, истисно тариқасида, Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш юзасидан Қўмитага таклиф киритиш;

21) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини ўтказиш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги юзасидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилиш;

22) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда мулкчилик шаклларида қатъи назар ташкилотларда ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказиш;

23) ўз ваколатлари доирасида истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

24) истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аломатлари аниқланганда материалларни тегишли фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг (рухсат берувчи ҳужжатларнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ваколатли органлар ва ташкилотларга юбориш;

25) даврий босма нашрлар, китоб маҳсулотлари назорат нусхалари, теле- ва радиодастурлар эфирларида жойлаштирилган ҳужжатли материаллар, рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатишга оид материалларни бепул олиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Агентликка истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Агентлик марказий аппарати ва Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида тузиладиган махсус комиссияларнинг қарорлари асосида амалга оширилади.

14. Агентлик:

истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда самарали бажарилиши;

Агентлик таркибий бўлинмаларининг Агентлик фаолияти билан боғлиқ режа кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ишларининг ташкил этилиши;

Агентлик томонидан Қўмигага кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Агентлик қабул қиладиган буйруқларнинг сифатли тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши;

истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, ишлар режаси, тадбирлар, «йўл харита»лари ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Агентлик раҳбариятининг асосий функционал вазифалари

15. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Агентлик, шунингдек, Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ режа кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Агентлик фаолияти соҳасига қиладиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Қўмита раисининг топшириқларини бажариш;

7) ўз ўринбосари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини ҳамда шахсий масъулияти даражаларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

8) Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Агентлик ва ўз ўринбосарининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, шунингдек, «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш, мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш ҳамда Қўмита ҳудудий бошқармаларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

10) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентлари талабларига мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларнинг Қўмита ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишлаб чиқилишида, Вазирлар Маҳкамаси Раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

11) Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

13) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг регламентларида белгиланган муддатларда уларни келишилиши (виза қўйилиши) учун Қўмитага ўз вақтида киритиш;

14) Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий

жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

15) ўз ўринбосари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, Қўмита Ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

16) Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишга доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш;

17) Агентлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Қўмита ва Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

18) Агентлик ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

19) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баргараф этиш;

20) Агентлик ва Қўмита ҳудудий бошқармалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

21) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

22) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

23) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

24) давлат органларида, судларда ва бошқа ташкилотларда, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

25) Қўмита ҳайъати мажлисларида иштирок этиш;

26) зарурият бўлганда Агентлик ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, ҳудудий бошқармаларнинг ташкилий тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Қўмитага таклиф бериш;

27) Агентлик марказий аппаратининг штатлар жадвалини, харажатлар сметасини ва таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

28) Агентлик марказий аппарати ходимлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

29) Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юзасидан Қўмита раисига тақдимнома киритиш;

30) Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармасига ходимлар номзодларини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш;

31) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича Агентлик, Қўмита ҳудудий бошқармалари мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

32) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги ходимларни ва мутахассисларни уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун белгиланган тартибда таклифлар тайёрлаш ва мукофотлашга тавсиялар бериш;

33) бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Агентлик тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш;

34) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

16. Қуйидагилар Агентлик директори ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик директори вақтинча бўлмаганда унинг вазифаларини бажариш;

3) Агентликнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Агентлик фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентликнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

6) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг Агентлик фаолиятига тааллуқли буйруқлари, Агентлик директори буйруқлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

10) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

11) ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

12) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмақлашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

13) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

14) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

15) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

5-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

17. Агентлик директори:

Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб беради.

18. Агентлик директорининг ўринбосари:

Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда бажарилиши;

Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича ўзи назорат қиладиган масалалар юзасидан;

ўзининг функционал мажбуриятларини сифатли бажариш учун шахсан жавоб беради.

6-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

1-§. Агентликнинг тузилмаси

19. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги тизимида Агентлик марказий аппарати қиради.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий тузилмалари сифатида Қўмита ҳудудий бошқармаларининг ташкилий тузилмасидаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари фаолият юритади.

2-§. Агентлик раҳбарияти

20. Агентликка Қўмита раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

21. Директор Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади.

22. Директор бўлмаган вақтда унинг ваколатлари директорнинг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

23. Директор лавозими бўйича Қўмита ҳайъати таркибига киритилади.

24. Агентлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари ҳамда техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

25. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошлиғининг ўринбосари — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиқлари Агентлик директорининг тақдимномаси бўйича Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

26. Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси ходимлари Агентлик директори билан келишилган ҳолда тегишли ҳудудий бошқарманинг бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

3-§. Агентликнинг Қўмита марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги

27. Агентликнинг Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлиги директор ва унинг ўринбосари томонидан таъминланади.

28. Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари билан ўзаро ҳамкорликда:

топшириқларни Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларига етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Агентликка юклатилган вазифалар доирасида Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, натижаларини умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўради;

Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларидан келиб тушган таклифларни, шу жумладан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳасини тартибга солиш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг иштирокини ташкил этади.

29. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Агентлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Агентлик марказий аппаратига ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

30. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Қўмита раиси томонидан кўриб чиқилади.

4-§. Агентликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

31. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

32. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат бошқаруви органларининг ҳудудий органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

5-§. Агентликнинг маслаҳат ва эксперт органлари

33. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳасини тартибга солишнинг энг муҳим масалалари бўйича муаммоларни илмий таҳлил қилиш, тавсияларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун Агентликда юқори малакали ходимлар, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг вакиллари, соҳадаги етакчи олим ва мутахассислардан иборат эксперт кенгаши ташкил этилади.

Эксперт кенгаши низоми ва унинг шахсий таркиби Директорнинг тақдимномасига биноан Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

34. Агентликда бошқа кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари тузилиши мумкин.

Агентлик ҳузурида тузиладиган кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Директор томонидан тасдиқланади, уларнинг таркиби ва низомлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланадиган ҳоллар бундан мустасно.

7-боб. Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

35. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиб борилади.

36. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

37. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

38. Қўмита ҳудудий бошқармаларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунларига кўра уларни рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазога тортиш юзасидан Агентлик томонидан Қўмитага таклиф киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 19 декабрдаги
1015-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 73-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошисидан «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг республика

бюджетига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан истеъмолчиларга товарларни (ишларни, хизматларни) яроқлилиқ муддати, сақлаш ва хизмат кўрсатиш муддатини бузган ҳолда реализация қилганлик учун жарима солишига рухсат берилсин»;

в) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-иловада:

1-банддаги «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарорига» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Жамғарма халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 августдаги 702-сон қарорининг 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида ва давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини электрон аукцион натижалари асосида сотишдан тушган маблағларнинг 60 фоизи туманлар (шаҳарлар) бюджетига йўналтирилади»;

олтинчи хатбошидаги «ундириш тартиби» сўзлари «улар миқдорини аниқлаш тартиби» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «йиғимларнинг 90 фоизи» сўзлари «ойлик йиғимларнинг 45 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида ер участкалари ва давлат мулки бўлган объектларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича электрон савдолар ўтказиш натижасида тушадиган йиғим суммасининг 40 фоизи ва ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини бериш учун ойлик йиғим маблағларининг 45 фоизи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига йўналтирилади»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «еттинчи хатбошида» сўзлари «бешинчи ва еттинчи хатбошиларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарорида:

а) 1-иловада:

9-банднинг тўртинчи хатбошисига «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги» сўзларидан кейин «(кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

11-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ҳамда унга идоровий мансуб тузилмалар орқали амалга оширади»;

14-бандда:

еттинчи хатбошига «рақобат муҳитини ривожлантириш» сўзларидан кейин «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги саккизинчи — ўн учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ташкил этиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларини олдини олиш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш;

реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг динамикаси ва нарх шаклланиши механизмларини ўрганиш»;

15-бандда:

қуйидаги мазмундаги йигирма олтинчи — қирқ биринчи хатбошилар қўшилсин:

«вазирликлар ва идоралар иштирокида иштирокида ишлаб чиқилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган стратегик дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни жойларда ижросини амалга оширади;

аҳолининг истеъмол билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга оширилишини таъминлайди;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини, шунингдек аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари бўйича огохлантиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш реклама масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

истеъмолчиларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шу жумладан истеъмолчиларнинг номуайян доираларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ҳимоя қилишни кўзлаб даъво аризалари киритиш орқали амалий ёрдам кўрсатади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга оширади, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) текширишлар ўтказилади;

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган улгуржи ва чакана савдо устамаларига риоя қилиниши устидан назорат қилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қониқарлилиги юзасидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилади;

қонунда белгиланган тартибда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади;

ташқи рекламани жойлаштиришни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалаларида жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда кўнгишлар ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашади;

йигирма олтинчи хатбоши қирқ иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қирқ иккинчи хатбошисига «ва қўмита» сўзларидан кейин «ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида Агентлик» сўзлари қўшилсин;

25-бандда:

учинчи хатбошисига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошисига «табiiй монополиялар тўғрисидаги» сўзларидан кейин «истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги» сўзлари қўшилсин;

ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«рақобат тўғрисидаги, табiiй монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги, табiiй монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш, жарима қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

26-бандда:

тўртинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентликка» сўзлари қўшилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошиларга «рақобат муҳитини ривожлантириш» сўзларидан кейин «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш» сўзлари қўшилсин;

28-банднинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Қўмита раиси томонидан кўриб чиқирилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиришда Қўмита раисининг топшириғига биноан иштирок этиш»;

34-банднинг иккинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси билан» сўзларидан кейин «истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари ходимлари эса, Агентлик директори билан» сўзлари қўшилсин;

9-банднинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш ва уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш»;

53-банднинг биринчи хатбошисига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

54-бандга «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

55-банднинг биринчи хатбошисига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

56-бандга «бошқа манбалар Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин;

б) 2-иловада:

3-бандда:

учинчи хатбошидаги «тақдимномаларини» сўзи «кўрсатмаларини» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи — тўққизинчи хатбошилар қўшилсин:

«истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, нархлари тартибга солиниши белгиланган товарларнинг нархларини (устама ва тарифлар) оширганлик учун ундирилган асосиз олинган даромадлар суммасининг 100 фоизи;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, шунингдек, Агентлик тақдим этган кўрсатмаларни бажармаганлик учун Агентлик ёки Агентлик киритган даъволар бўйича суд томонидан хўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган жарима маблағларининг 100 фоизи;

ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун тушадиган ойлик йиғим маблағларининг 45 фоизи;

«E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида ер участкалари ва давлат мулки бўлган объектларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича электрон савдолар ўтказиш натижасида тушадиган йиғим суммасининг 40 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига тушадиган давлат активларини сотиш суммасининг 4 фоизи»;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

6-бандда:

иккинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитасининг» сўзларидан кейин «марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ҳамда Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан турар жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштиришга»;

тўртинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари қўшилсин;

куйидаги мазмундаги 6¹-банд қўшилсин:

«6¹. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва бошқа рағбатлантириш тўловлари, шунингдек, моддий рағбатлар Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ тўланади»;

7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларининг уй-жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштириш Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларига ипотека кредитларини бериш учун тижорат банкларига ресурсларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга (ушбу Низомга илова) мувофиқ амалга оширилади»;

15-бандга «ҳудудий бошқармалари» сўзларидан кейин «ҳамда Агентлик» сўзлари қўшилсин;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасида:

номига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги» сўзлари қўшилсин;

1-бандга «Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси деб аталади)» сўзларидан кейин «ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

2-бандда:

учинчи хатбошига «Монополияга қарши курашиш қўмитаси» сўзларидан кейин «ва Агентлик» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «ёки ҳудудий бошқармаларида» сўзларидан кейин «ёхуд Агентликда» сўзлари қўшилсин;

3-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Турар жой сотиб олиш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ходимларига ипотека кредитлари бериш учун тижорат банкларига ресурслар ажратиш шартлари ходимда монополияга қарши курашиш ва давлат мулкани бошқариш органларида зарур иш стажи мавжудлиги ҳисобга олиниб, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ёки ҳудудий бошқармаларида ёхуд Агентликда ипотека кредитини олгандан сўнг камида беш йил ишлаш шarti билан (Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлик лавозимларига ишга ўтиш бундан мустасно) Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан белгиланади.»;

5-банддаги «қўмитасининг» сўзи «қўмитаси ва Агентликнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
қўмитасининг 2023 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

I. ТОВАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДА РАҚОБАТ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

I. Товар, молия ва рақамли бозорларди ўтказилган таҳлиллар.

Қўмита марказий аппарати томонидан 2023 йил давомида **182 та** товар ва хизматлар бозорлари таҳлил қилинди. Шундан, **32 та** бозорлар **тўлиқ таҳлил** ва маҳсулот билан тўйинганлиги бўйича **150 та** **экспресс таҳлиллар** ўтказилди.

Тўлиқ таҳлиллар доирасида дон маҳсулотлари, кўмир, ҳаво транспорти, электрон ҳисоблагич, ягона дастурий техник комплексида хизмат кўрсатиш, шиша идиш (банка) минерал ўғитлар, вагон тарозиларини ўрнатиш, тамирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, газабетон ишлаб чиқариш, темир йўллари соҳасининг ёндош хизматлари бозорларида, объектларни жойлаштириш учун ер участкаларини танлаш бўйича келишиш, мобил алоқа операторлари, қурилиш ойнаси, истеъмол этил спирти, темир бетон шпаллари ишлаб чиқариш ва сотиш хизматлари ҳамда бошқа бозорларда рақобат муҳити ҳолатини баҳолаш ишлари олиб борилди.

Таҳлил натижаларида **12 та** корхона **11 та** товар ва хизматлар бўйича **устун мавқеи эътироф этилди** ҳамда **9 та** корхона **9 та** товар ва хизматлар бўйича **устун мавқеини йўқотганлиги эътироф этилди**.

II. Товар бозорларнинг маҳаллий маҳсулотлар билан тўйинганлиги даражаси таҳлили ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун лойиҳаларни кўриб чиқишда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 303-сонли қарорига асосан ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан **тўйинганлигини аниқлаш** мақсадида **150 та** ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, **78 та** товар бозорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари билан тўйинганлиги ва **72 та** товар бозорининг тўйинганлик даражаси пастлиги (**тўйинмагани**) маълум бўлди.

Натижада, Инвестиция, савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бозорларни тўйинганлик даражаси паст бўлган маҳсулотлар юзасидан таклифлар берилди.

II. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИНГ РАҚОБАТ МУҲИТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

I. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан project.gov.uz портали орқали Қўмигага келиб тушган **614 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг (ex-ante) рақобат муҳитига таъсири юзасидан хулосалар тайёрланди, шундан **285 та (46 %)** ҳолатда қонунчилик талабларига зид нормалар мавжуд эканлиги аниқланган.

II. Республика бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг қабул қилган жами **201 315 та** (ex-post) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари рақобат тўғрисидаги қонунчилик нормаларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказилди. Шундан, **717 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича Қўмига томонидан **жами 102 та** маҳаллий ҳокимлик ва давлат бошқарув органларига монополияга қарши қонунчилик ҳужжатлари нормалари бузилиши бўйича ишлар қўзғатилган бўлиб,

98 та ишларни кўриб чиқиш якуни билан тегишли тартибда Кўмитанинг қарор ва кўрсатмалари юборилган ва **167 та** рақобатга қарши ҳужжатлар бекор қилинган.

III. ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАЛАРИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА ХАРИД ТИЗИМЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

I. Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларнинг биржа савдоларида сотилиши.

Монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан **46 турдаги** юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар ички бозорда **фақат биржа савдолари орқали** сотилиши белгиланган.

Шунингдек, монопол ва давлат иштироки бўлмаган ташкилотлар томонидан **металл лист прокати** ва **цемент** — ишлаб чиқариш ҳажмининг камида **50 фоизи**, пахтадан олинган **чигит**, **пахта мойи** (шу жумладан, экстракция пахта мойи), қайта ишланган чигит чиқиндилари (**ирот**, **шелуха**) ва **истеъмол этил спирти** — ишлаб чиқариш ҳажмининг камида **100 фоизи** ички бозорда **фақат биржа савдолари орқали** сотилиши белгиланган.

Бугунги кунда биржа савдоларида юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни реализация қилувчи жами **4 мингдан** ортиқ корхона (сотувчилар) мавжуд бўлиб, шундан **90 таси (3 фоиз) монополист** ва **давлат улушига** эга корхоналар, қолган **4 054 таси (97 фоиз) монополист** ва давлат улушига **эга бўлмаган** корхоналар (жумладан, **165 та (1 фоиз) йирик корхоналар** ва **3 889 та (96 фоизи) бошқа корхоналар**) ҳисобланади.

Жорий йилда **1737 та** маҳсулот сотувчи корхоналар томонидан биржа савдолари орқали жами **83,0 трлн сўмлик 52** турдаги юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар реализация қилинган бўлиб, бунда мазкур айланманинг **25 фоизи (21,0 трлн.сўм) 14 та** турдаги нефть ва ёқилғи маҳсулотлари ҳиссасига ва қолган **75 фоизи (62,0 трлн.сўм) 38 та** юқори ликвидли ва монопол маҳсулот ҳиссасига тўғри келган.

Бундан ташқари, айрим турдаги юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг биржа савдолари орқали **сотилиш ҳажми** кўйилишига нисбатан йилдан йилга **тушиб бормоқда (-6 фоиз)**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 октябрдаги ПФ-169-сон Фармони 12-бандига мувофиқ **6 та** (**каустик сода**, **кальцийланган сода**, **қурилиш ойнаси**, **техник керосин**, **нефт парафини**, **формалин**) маҳсулотлари биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида сотиладиган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг **рўйхатидан чиқарилган**.

II. Биржа савдоларини тартибга солиш бўйича кўрилган чоралар.

Кўмита томонидан биржа савдоларида манипуляция ҳаракатларини олдини олиш мақсадида бир савдо сессиясида бир харидор томонидан харид қилинадиган ҳажмининг максимал миқдори **АИ-80 автобензин** бўйича 55-60 тонналик лотлар учун — **55-60 тн**, 1 тонналик лотлар учун — **5 тн**, **кальцийланган сода** бўйича **120 тн**, **шакар** бўйича **10 тн**, **суюлтирилган газ** бўйича **20 тн** этиб белгиланган.

Шу билан бирга, жорий йил 1 мартдан 1 майга қадар аҳолини бензин маҳсулотлари билан барқарор ва арзон нархларда таъминлаш мақсадида АИ-80 бензинини сотиш нархини унинг биржа савдосига чиқариш нархига нисбатан **ўсиш чегарасини** энг кўпи билан **5 фоизгача** этиб белгиланган. Жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ушбу чегара **15 фоизгача** этиб белгиланди.

Бундан ташқари, 2023 йилда **76 та** ҳолатда биржа савдоларига оид қонунчилик талаблари бузилганлиги бўйича **67 та** хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан иш қўғатилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда юқорида **100 дан ортиқ ҳолатларда** қайд этилган графикларни тақдим этмаган ҳамда графикларни ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан кам тасдиқлаган корхоналарга нисбатан белгиланган тартибда **жавобгарлик чоралари кўрилмоқда**.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотишда тенг рақобат муҳитини яратиш ва назоратни кучайтириш мақсадида Қўмита томонидан таклифлар ишлаб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларга киритилган.

IV. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРЛАРИДА НАРХЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги ПФ-145-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 декабрдаги 716-сонли қарорига мувофиқ Қўмита томонидан **10 турдаги** ижтимоий аҳамиятга эга (*бугдой ва ун, қолипчи нон, мол гўшти, парранда гўшти, тухум, пахта ёғи, кунгабоқар ёғи, гуруч, шакар, қадоқланган сут*) маҳсулотларининг истеъмол бозорларидаги нархлар доимий равишда **мониторинг қилиб борилмоқда**.

Қўмитанинг ҳудудий органлари томонидан маҳсулотларни томорқадан бозоргача етказиб беришда бозорларнинг қувватлари ва бошқа омиллар ҳисобига монополия аломатларининг мавжудлиги, рақобат даражасининг етарлилиги таҳлил қилиниб, тегишли таклифларни туман ва вилоят ҳокимига киритиб борилган.

Хусусан, бугунги кунга қадар республиканинг **208 та** туман(шаҳар)ларидаги **185 та бозорларда** ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилган.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижасида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича Қўмитанинг ҳудудий органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят (шаҳар, туман) туман ҳокимликларига **таклифлар киритилган**.

Шунингдек, Қўмита томонидан асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорти даражасини пасайтириш ва ички бозорда **рақобатни таъминлаш** бўйича таҳлил ўтказилди.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини 2023 йилда ишлаб чиқариш ва истеъмоли балансига асосан республика аҳолисининг **5 турдаги** (*ун, ўсимлик ёғи, мол гўшти, парранда гўшти ва картошка*) озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг

асосий қисми импорт асосида қопланади.

Жумладан, ўсимлик ёғининг **47 фоизи**, ун маҳсулотининг **35 фоизи**, мол гўштининг **13 фоизи**, парранда гўштининг **7 фоизи** ва картошканинг **6 фоизи** импорт асосида қопланади.

Ўсимлик ёғига бўлган йиллик эҳтиёж **749 минг тнни**, ун маҳсулотига **5 408 минг тнни**, мол гўштига **1 761 минг тнни**, парранда гўштига **518 минг тнни**, картошкага **4 393 минг тнни** ташкил этади.

Ушбу ўрганиш ва таҳлиллар натижасида ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига **киритилган**.

Республика бўйича истеъмол бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида республиканинг барча туман ва шаҳар деҳқон бозорлари ҳамда арзонлаштирилган озиқ-овқат савдо ярмаркаларига Қўмита ва ҳудудий бошқармаларнинг тегишли буйруғи билан масъул ходимлар бириктирилган.

Бириктирилган ходимлар томонидан, Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти ходимлари билан биргаликда кунлик мониторинг олиб борилди.

Мазкур ярмарка расталарига **25 турдаги** маҳсулотлар чакана савдоси ташкил этилиб, ярмарка савдоларидаги маҳсулотлар нархлари ўртача бозор нархларига нисбатан **12 - 33 фоизгача арзонроқ** сотилиши ташкиллаштирилган.

Юртимизда байрамлар муносабати билан ташкил этилган савдо ярмаркаларида ҳам тегишли вазирлик, идорлари масъул ходимлари билан биргаликда кунлик мониторинг олиб борилди.

Шунингдек, қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида маҳсулотларнинг захирага жамғарилиши ўрганиб борлимоқда.

Захира қилинган маҳсулотлар бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда ва муддатларда аҳолига реализация қилинишини ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан буғдой, ун, қолипни нон, мол гўшти, парранда гўшти, тухум, ўсимлик ёғи гуруч, шакар, қадокланган сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи тадбиркорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилган.

Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда маҳсулотлар нархига “инсофли” савдо устамаларини қўйиш бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Тадбирлар давомида қўмитанинг марказий аппарати ходимлари **4 та** йирик савдо тармоқлари билан учрашув ўтказилди. Худди шундай учрашувлар ва тарғибот тадбирлари қўмитанинг ҳудудий органлари томонидан ҳам амалга оширилди.

V. ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН НАРХЛАР ВА ТАРИФЛАРНИ ТАҲЛИЛ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҲАМДА ТАБИЙ МОНОПОЛИЯ СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

I. Нархларни асоссиз ошириш юзасидан олиб борилган ишлар.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этилиши юзасидан 2023 йил давомида иқтисодий тармоқ соҳаларидаги айрим корхоналарнинг фаолиятида **539 та** ўрганишлар ўтказилиб, шундан, **344 та** (64,4 фоиз) ҳолатда истеъмолчилардан жами **55,7 млрд.сўмдан** ортиқ асоссиз даромадлар олинганлиги аниқланди.

Ушбу даврда бу каби **344 та** қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, **14 482 та** истеъмолчиларнинг бугунги кунга қадар **23,3 млрд сўмлик** манфаатлари ҳимоя қилиниб маблағларни қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланган, шунингдек, **87,7 млрд сўмлик** истеъмолчилардан олинган ортиқча даромад суммаларини қайта ҳисоб-китоб қилиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

II. Табиий монополияни тартибга солиш юзасидан олиб борилган ишлар.

Қўмита томонидан Табиий монополия субъектларининг 01.10.2023 йил ҳолатидаги мавжуд Давлат реестрига киритилган **135 та** хўжалик юритувчи субъектлар қайта **хатловдан ўтказилди**.

Хатлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-108-сонли Фармонида мувофиқ асосий фаолияти табиий монополия шароитида товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар табиий монополиялар соҳасида фаолият олиб борганда улар табиий монополия субъектлари ҳисобланмаслиги юзасидан хатловдан ўтказилиб, шундай **46 та** хўжалик юритувчи субъектлар **Давлат реестрдан чиқарилди**.

Бугунги кунда, Реестрга киритилган ўзгартиришлар натижасида реестрда 11 турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича **89 та** хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд.

Табиий монополия субъектлари томонидан **159 та** ҳолатда тадбиркорлик субъектлари ва аҳолидан асоссиз олинган жами **39,1 млрд.сўм** маблағларни ихтиёрий равишда бартараф бўйича тегишли кўрсатмалар берилган.

Бугунги кунда **29,7 млрд сўм** (*табиий газ – 2,1 млрд сўм, электр энергияси – 10,4 млрд сўм, ичимлик ва иссиқлик таъминоти – 15,9 млрд сўм, бошқа хизматлар – 1,3 млрд сўм*) маблағлар қайта-ҳисоб китоб қилинган қолган маблағлар бўйича ҳисоб китоб ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, мазкур мурожаатларни кўриб чиқишда жами **78 576 та** истеъмолчиларнинг номуайян доирасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилинди.

VI. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ

Қўмита томонидан жорий йил давомида давлат буюртмачилари томонидан ўтказилган **62 465 та** танлов (тендер) савдолари бўйича ўтказилган таҳлиллар

натижасида буюртмачилар томонидан **18 738** та (**29,9 %**) савдолар жараёнида **27 730** та **рақобатга зид ҳаракатлар аниқланган**.

Шунингдек мазкур соҳада Қўмитага жорий йил давомида юридик ва жисмоний шахслардан жами **467** та **муурожаат ва аризалар** келиб тушган.

Шундан, **58 таси** ваколат доирасида кўриб чиқиш юзасидан тегишли ташкилотларга йўналтирилган, **243 таси** муурожаат масаласи доирасида ўрганиш учун ҳудудий бошқармаларга чиқарилган, **166 та** муурожаат Қўмитанинг **Марказий аппарати томонидан кўриб чиқилган**.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қонунчилик талабларига мувофиқ тегишли чоралар кўрилган. Жумладан, жами **27 730 та** ҳолатдан **24 018 та** ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, **688 таси** бўйича Ҳисоб палатасига маълумотномалар тақдим этилган, **336 та** ҳолат буюртмачилар томонидан ихтиёрий бартараф этилган, **2 688 та** ҳолат юзасидан Қўмита ва ҳудудий бошқармалар томонидан иш қўзғатилиб, чоралар кўрилган.

VII. ИНСОФСИЗ РАҚОБАТ АМАЛИЁТЛАРИГА, ТИЛ БИРИКТИРИШЛАР ВА КАРТЕЛ КЕЛИШУВЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

2023 йил давомида Қўмита марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар томонидан инсофсиз рақобат ҳолатлари бўйича келиб тушган жами **234 та муурожаат** Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан **234 та** муурожаатлардаги **62 та** ҳолат бўйича Қўмита томонидан **иш қўзғатилган** ва белгиланган тартибда кўриб чиқилиб тегишли чоралар кўрилган.

VIII. ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯ УСТИДАН НАЗОРАТ

2023 йилда хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги **акцияларни (улушларни) олиш бўйича** битимларга монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш юзасидан жами **140 та** муурожаат келиб тушган.

Шундан, **26 та** муурожаат хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга розилик олиш тўғрисида бўлса, **114 таси** хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги **акцияларни (улушларни) олишга** олдиндан розилик олиш билан боғлиқ муурожаатлар.

Ушбу муурожаатларнинг **103 таси** бўйича Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларининг махсус комиссиясининг битимларга розилик бериш тўғрисидаги қарори чиқарилган, **8 таси** бўйича рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун йиғим белгиланган муддатда тўланмаганлиги учун махсус комиссиясининг розилик бериш тўғрисидаги қарори бекор қилинган,

4 таси бўйича розилик бериш рад этилган, **25 таси** бўйича монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги талаб этилмаслиги тўғрисида тегишли жавоб хатлари берилган.

Келиб тушган барча мурожаатлар таҳлил қилиниб, Қўмита томонидан жами **8324 млрд. сўмлик** битимларга олдиндан розилик берилди, шундан **49 фоизи**, яъни **4042 млрд. сўмлик (351,2 млн. АҚШ долл.)** битимлар хорижий инвесторлар хиссасига тўғри келади.

Шунингдек, **2 та** ҳолатда олдиндан розилик олмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидан улуш олганлиги аниқланди ва улар бўйича белгиланган тартибда иш қўзғатилиб, тегишли чоралар кўрилган.

II. “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг 2-банди “г” кичик бандига мувофиқ давлат иштирокидаги **корхоналарни ва давлат муассасаларини ташкил этишга** (қайта ташкил этишга) монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш юзасидан жами **174 та** мурожаат келиб тушган.

Ушбу мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва **15 та ҳолатда** товар бозори ривожланмаганлиги сабабли давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни ҳамда **31 та ҳолатда** давлат муассасаларини ташкил этишга (қайта ташкил этишга) **розилик берилган**.

3 та ҳолатда товар бозори ривожланганлиги, ушбу бозорда хусусий тадбиркорлик субъектлари 5 тадан кўплиги сабабли давлат иштирокидаги корхона ва **2 та ҳолатда** давлат муассасалари ташкил этилишига розилик бериш рад этилган.

123 та ҳолатда давлат иштирокидаги корхона ва давлат муассасаси ташкил этилишига олдиндан розилик олиш шарт эмаслиги сабабли розилик талаб этилмаслиги тўғрисида хат юборилди.

Шунингдек, **2 та** ҳолатда Қўмитанинг олдиндан розилигини олмасдан давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этганлиги аниқланди ва улар бўйича белгиланган тартибда **иш қўзғатилиб**, тегишли чоралар кўрилган.

IX. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

I. Мурожаатлар бўйича.

2023 йил давомида истеъмолчилардан жами **20 691 та** мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатларнинг **7 049 таси** (34 фоиз) уй-жой коммунал, транспорт хизматлари, **8 534 таси** (42,2 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш, **4 344 таси** (21 фоиз) алоқа, молия ва ижтимоий хизматлар ҳамда **764 таси** (3,6 фоиз) реклама муносабатлари масалаларига тўғри келади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ўтказилган ўрганишларда **18 868 нафар** истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган ва истеъмолчилар фойдасига **20,68 млрд. сўм** миқдордаги маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланган.

Шу билан бирга, савдо соҳасида истеъмолчиларга **720 та ҳолатда, 1998 дона маҳсулотлардаги 5,593 млрд. сўмдан ортиқ** миқдордаги маҳсулотлар алмаштириб ёки қайтариб берилган.

Истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатлар ва бошқа идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида истеъмолчиларнинг **номуайян доираси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** мақсадида турли йўналишларда жами республика бўйича **255 та** ўрганишлар Қўмита томонидан **20 та ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилган.**

Мазкур ўрганиш ва таҳлиллар натижасида истеъмолчилардан **жами 156,1 млрд. сўм** миқдорда ортиқча маблағлар олингани аниқланиб, **149,9 млрд. сўм** маблағлар қайта ҳисоб-китоб қилинган ва **606 839 нафар** истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тикланган.

II. Маҳсулотларнинг сифати бўйича назорат фаолияти.

Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш мақсадида, тасдиқланган режа-график асосида мунтазам равишда чакана савдода товарлар **назорат харидини** ва уларни **экспертизадан ўтказиш** ишлари йўлга қўйилган.

Хусусан, ҳисобот даврида жами **397 номдаги** маҳсулотларнинг **назорат хариди** амалга оширилиб (*“Сифат назорати” телекўрсатуви билан ҳамкорликда*), уларнинг экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра, **26 номдаги** маҳсулотлар норматив-техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Мисол учун:

- Озиқ-овқат маҳсулотлари ўрганилганда **14 та** ҳолатда **ош тузлари;**
- **сут маҳсулотлари** ва **пахта ёғи.**
- **12 номдаги** ноозиқ-овқат маҳсулотларидан **3 номдаги** маиший техника маҳсулотлари;
- **8 та** дори воситалари (*қалбаки ёки давлат реестрига киритилмаган*) амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатларига **номувофиқлиги аниқланган.**

Жумладан, **4 та** ҳолат юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан импорт қилувчи корхоналарга огоҳлантириш хатлари чиқарилган.

Бундан ташқари, **5 та** ҳолатда юзасидан, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқарувчи ва Санитария-эпидемиология хизматига хатлар юборилган.

Шунингдек, қолган **6 та** ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўриш учун ваколатли органга тўпланган ҳужжатлар юборилган. Натижада **2 та** дорихонага Иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарори билан ташкилот **лицензиялари бекор қилинган.**

III. Реклама фолиятини тартибга солиш

Рекламаларни жойлаштирилиши ва тарқатилиши бўйича жами **55 217 та**, жумладан телевиденида **752 та**, радио **501 та**, ташқи реклама воситаларидаги **44 857 та**, босма нашрларда **633 та**, интернет ва ижтимоий тармоқларда **8 474 та** ўрганишлар ўтказилган.

Ўрганиш (мониторинг)лар натижасида **27 947 та** ҳолатда турли **камчиликлар аниқланиб**, уларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилган.

Реклама берувчилар томонидан тақдим этилган реклама эскизларини амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан **364 та** экспертиза ва таҳлиллар ўтказилиб, уларнинг **43 таси** (11,8 фоиз) бўйича реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига номувофиқлиги ҳақида **хулосалар берилган**.

Бундан ташқари, рекламаларда давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя қилиниши, маданий мерос объектларининг рекламадан хоилиги, пешлавҳа, эълон ва бошқа ахборот матнларининг давлат тили қоидаларига мослиги бўйича ўрганишлар ўтказилган.

Бу борада, республика ҳудудларида жойлашган ташқи реклама объектларидаги рекламаларнинг давлат тили қоидаларига мослигини ўрганиш юзасидан жами **61 602 та** мониторинглар ўтказилди.

Шундан, **23 409 (38 фоиз) та** рекламалар давлат тили қоидаларига мувофиқ эмаслиги аниқланган.

Бунда, **8 272 (35 фоиз) та** пешлавҳа, ташқи ёзувлар ва бошқа эълонларнинг, шунингдек **4 258 (18 фоиз) та** рекламнинг матни бошқа тилларда (асосан рус тилида) берилганлиги, **7 311 (31 фоиз) та** пешлавҳа, ташқи ёзувлар ва бошқа эълонларнинг, шундан рекламанинг **3 639 (15 фоиз) та** матнида имловий ва луғавий хатолар мавжудлиги аниқланган.

Қонунчилик талаблардан келиб чиққан ҳолда, ўтказилган ўрганишларда давлат тилидан бошқа тилларда акс эттирилган ҳамда имловий ва луғавий хатолар билан ёзилган ташқи ёзувлар, хусусан, пешлавҳа, реклама ва бошқа эълонлар, ахборот матнларидаги **17 213 (73 фоиз) та** камчиликларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилган ҳамда уларни давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилиши таъминланган.

Х. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПАЕНС ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

І. Амалга оширилган ишлар.

2023 йил давомида **100 та**, шу кунга қадар жами **196 та**, шундан, **68 та** табиий монополия субъектларида, **59 та** товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда, **35 та** маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, **15 та** давлат бошқаруви органларида ҳамда **19 та** давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида монополияга қарши компаенс тизими **тўлиқ жорий этилди**.

Ҳисобот даврида ташкилотларнинг монополияга қарши компаенс тизими фаолияти учун масъул бўлган ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари мазмун-моҳиятини тушунтириш ва уларнинг соҳага оид

билимларини оширишга бағишлаб “**Монополияга қарши комплаенс тизимини самарали жорий этиш – фаолиятнинг рақобат қонунчилигига мувофиқлигини таъминлаш гарови**” мавзусида **7 мартаба** ўқув-амалий семинарлари ташкил этилди. Ўтказилган семинарларда корхоналарнинг **300 нафардан зиёд** монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти учун масъул бўлган ваколатли шахслари ва ходимлари иштирок этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 июлдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-108-сон Фармонида мувофиқ Рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан янги таҳрирдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш ва тушунтириш мақсадида “**Янги рақобат қонунчилиги - рақобатни ҳимоя қилишнинг замонавий ҳуқуқий асоси**” мавзусида республиканинг барча ҳудудларида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Бундан ташқари, “**Биз сизни эшитамиз!**” лойиҳаси доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар билан ўтказиладиган учрашувларнинг 2023-2024 йилларга мўлжалланган **режа-жадвали тасдиқланди**.

Режа-жадвалига мувофиқ жорий йилнинг август-октябрь ойлари давомида тўртта соҳада, хусусан, рақамли ва молиявий технологиялар (fintech) платформалари хизматлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, реклама ҳамда фармацевтика соҳаларида фаолият юритаётган **300 нафарга яқин** тадбиркор ва хорижий инвесторлар билан очик мулоқот тарзида учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг **муаммолари ўрганилди** ва **таклифлари тингланди**.

Билдирилган муаммолар, таклиф ва ташаббуслардан келиб чиқиб, тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

XI. ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ

Қўмита томонидан жами ОАВ ва интернет саҳифаларида **4 930 та чиқишлар** қилинган. Жумладан, Марказий аппарат томонидан **1 607 та**, ҳудудий тузилмалар томонидан **3 323 та чиқишлар** амалга оширилган.

Шундан, *телевидениеда* **309 та** лавҳа, *радиоода* **142 та** эшиттириш ва *матбуотда* **156 та** мақолалар берилган ҳамда *интернет тармоқларида* жумладан, веб-сайт, телеграм каналлари ва фейсбук саҳифалари орқали **4 333 та** материаллар берилган.

Рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги жаҳон янгиликлари тўплами сифатида хизмат қилувчи **20 та Дайжест** чоп этилди.

Бундан ташқари, Қўмита томонидан “*Созлом рақобат мамлакат иқтисодиёти ривожига ва истеъмолчилар танловининг хилма-хиллигига асос бўлади*” номли қисқа метражли **ижтимоий видеоролик** суратга олинди.

Аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга қаратилган ушбу видеороликни барча турдаги ахборот воситалари, хусусан телеканаллар (Milliy

TV, MY5, O‘zMTRK, Sevimli, Uzreport, Zo‘r TV), веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, жамоат транспорти (метро, автобус) ва ташқи реклама воситалари орқали бир ой давомида **1000 дан** ортиқ маротаба намойиш этилди.

Қўмита веб-сайти ва телеграм саҳифаларида истеъмолчиларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида **82 та** маълумотлар инфографика, фото, аудио, видеолавҳа ва видеороликлар шаклида жойлаштирилган.

Жумладан, янги таҳрирда қабул қилинган **“Рақобат тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, **“Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **“Ташқи реклама ва ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”** тўғрисидаги қарори мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан **120 яқин** маълумотлар инфографика шаклида жойлаштирилган.

Жамоатчилик билан алоқалар хизмати томонидан **“Рақобат тўғрисида”**, **“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”** ҳамда **“Реклама”** тўғрисидаги қонунлар *мазмун-моҳияти* бўйича семинарлар Қўмита ичида ташкил қилиниб, Қўмита ходимлари ўз хизмат функциялари мавзусида **15 та** турли **семинар-тренинглар** ўтказилган.

Қўмита томонидан 2023 йилда амалга оширилган ишлар бўйича **17 та** брифинг ташкил этилган. Жумладан, **10 таси** Қўмитанинг ички брифинги бўлиб, **7 та** брифинг Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтди.

“Сифат назорати” (“Тошкент” телеканали) **22 та** кўрсатувида **30 дан** ортиқ ишлаб чиқарувчи корхонанинг консерваланган гўшт маҳсулоти, ўсимлик мойи, йогурт, туз, шоколад, болалар озуқаси, болалар учун озуқа, печенье, қуюлтирилган сут маҳсулотлари, сомса хамир маҳсулоти ва чой ичимлиги маҳсулотлари ва дазмол, телевизор, вентилятор каби товарларнинг назорат хариди ўтказилди ва эксперт сифатида тегишли тавсиялар бериб ўтилган. Мазкур кўрсатувлар Қўмитанинг расмий каналларида батафсил ёритилган.

Оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган танқидий материаллар юзасидан Қўмита томонидан тендер, бензин, метан ва кимёвий ўғитлар нархи, озиқ-овқатлар сифатсизлиги, реклама, дори-дармон, умумий овқатланиш ва бошқа шу каби қонунбузилиш ҳолатлари бўйича юзага келган камчиликлар бартараф этилди. Ахборот хизмати томонидан тезкорлик билан расмий-веб сайт ва телеграм орқали **180 дан ортиқ расмий муносабатлар** берилган.

АЁҚШлардаги бензин нархи ва сифати таҳлили бўйича Қўмита томонидан олиб борилган назорат тадбирлари ҳамда савдо ярмаркаларида сотилаётган маҳсулотлар ҳажми, нархи ва сифати бўйича олиб борилган ўрганишлар, турли саналар билан боғлиқ тадбирлар бўйича **16 та** роликлар тайёрланган.

Шу билан бирга, **хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда** рақобат сиеёсати соҳасида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон соғлиғига салбий таъсир этувчи омиллар, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш

билан боғлиқ энг қизиқарли мавзулар бўйича **4 та** таҳлилий материаллар тайёрланиб, Қўмитанинг расмий веб-саҳифаси ва ижтимоий тармоқлардаги каналларига жойлаштирилди.

ХII. СОҲАДА РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Асосий турдаги **20 дан ортиқ** ижтимоий муҳим аҳамиятга эга ва стратегик товарлар нархларининг кескин тебранишлари олдини олиш, нархларнинг асосиз ўсиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида тизимли мониторинг олиб бориш бўйича **“FAIR PRICE”** (Адолатли нарх) ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳаолди ўрганишлар олиб борилди ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида концепция лойиҳаси **ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда тасдиқланди.**

Истеъмолчиларга мамлакат истеъмол бозорида муомалада бўлган товар (иш, хизмат)лар тўғрисида маълумотларни онлайн тарзда олиш имкониятини берувчи **“Product Info”** ахборот тизими ва мобил иловасини яратиш бўйича концепция ва техник топшириқ ишлаб чиқилди ҳамда тегишли тартибда экспертизадан ўтказилиб, тасдиқланди.

Техник топшириқ асосида истеъмолчиларга мамлакат истеъмол бозорида муомалада бўлган товар (иш, хизмат)лар тўғрисида маълумотлар-ни онлайн тарзда олиш имкониятини берувчи **“Product Info”** ("Tovar to'g'risida ma'lumot") ахборот тизими ва мобил иловаси ишлаб чиқилди ва фаолиятга тўлиқ жорий этилди.

Ушбу тизимдан истеъмолчилар эркин фойдаланиши учун my.fairtech.uz интернет манзилига ҳамда унинг мобил иловаси Play market платформасига fairtech номи билан жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монопо-лияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-145-сон Фармонининг 9-бандида мазкур Фармон 2-иловасида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлар-нинг маълумотлар базаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Рақобат қўмитаси **14 та** вазирлик ва идоралар билан тўғридан-тўғри ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш бўйича Технологик йўриқномалари ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда **тасдиқланди.**

Мазкур Техник йўриқномалар асосида **14 та** вазирлик ва идоралардан маълумотларни ахборот тизимлари орқали реал вақт режимида олиш бўйича веб-хизматлар **ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.**

“Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси доирасида Рақобат қўмитаси **8 та** вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлар бўйича тегишли техник шартлар асосида расмий ариза юборилди.

Ушбу ариза асосида Қўмита ахборот тизими “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали **8 та** вазирлик ва идоралардан маълумотларни онлайн олиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари Кўмитанинг барча таркибий тузилмаларидан **“FAIR TECH”** ягона ахборот тизими юзасидан таклиф ва эътирозлар олинган ҳамда улар умумлаштирилди.

“FAIR TECH” ягона ахборот тизими доирасида қуйидаги модуллар **ишлаб чиқилди** ва **синов тарихи**да:

“Спирт хариди назорати” модули – хўжалик юритувчи субъектлар-нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати учун талаб этиладиган истеъмол ва техник этил спирти харидлари шунингдек, уларни сарфланиши устидан назорат қилиш;

- “Тендер савдолари” модули – давлат буюртмаси бўйича ўтказилган танлов (тендер) савдоларини ўрганиш ва натижалари юзасидан таъсир чоралар кўриш билан боғлиқ маълумотларни қайд этиш;

- “Комплаенс” модули – кўзғатилган ишлар (иш кўзғатиш асоси, ишни кўриб чиқиш натижалари ҳамда иш бўйича чиқарилган қарор ва кўрсатмаларни ижросига доир маълумотлар) ҳақидаги маълумотларни қайд этиб бориш;

- “Юрист” модули – Кўмита ва унинг ҳудудий органларининг биринчи, апелляция, кассация ва такрорий кассация инстанцияси судларида иштироки, суд ишларининг якуний натижаси ва суд қарорлари ҳақидаги маълумотларни қайд этиб бориш;

- “Фаолиятни инсон омилсиз баҳолаш тизими” модули – марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармаларининг чорак кўрсаткичлари асосида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар, шунингдек ушбулар асосида рейтинг баҳолаш натижаларини инсон омилсиз автоматик равишда шакллантириш жорий этилди.

XIII. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯ

Интеграция жараёнларини жадаллаштириш

1. Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) кўшилиши доирасида Ишчи гуруҳнинг 6-йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш “Ўзтрансгаз” АЖ, “ЎЗИККИЛАМЧИРАНГЛИМЕТАЛЛ” АЖ ва “ЎЗМЕТКОМБИНАТ” АЖнинг масъул ходимлари билан биргаликда давлат савдо корхоналари бўйича маълумот қайта кўриб чиқилди ҳамда тегишли қисмлари ЖСТга аъзо мамлакатлар вакиллари томонидан талаб этилган маълумотлар билан тўлдирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 24/1-4392-сонли топшириғига мувофиқ Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси халқаро экспертлар билан биргаликда миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш мақсадида ЖСТ нормаларига зид бўлган (*ёки зид деб тахмин қилинган*) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра ЖСТ битимлари нормаларига зид бўлган **10 дан ортиқ** меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда дискриминацион нормалар мавжудлиги аниқланди.

Ўз навбатида, бир қатор ЖСТ битимларига зид бўлган нормаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларни мувофиқлаштириш юзасидан пухта тайёрланган материаллар миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш режасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳга тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича Ишчи гуруҳнинг 6-йиғилишига тайёргарлик кўриш доирасида жорий йилнинг 17 февраль санасида Қўмитада Субсидиялар ва давлат савдо корхоналари бўйича Тематик ишчи гуруҳи аъзолари, “UzGasTrade” АЖ мутасадди вакиллари ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги иштирокида симулятив музокаралар ўтказилди.

Жорий йилнинг 6-15 март кунлари Женева шаҳрида (Швейцария) Ишчи гуруҳнинг 6-йиғилишида ҳамда ЖСТга аъзо мамлакатлар билан икки томонлама музокараларда Қўмита вакиллари иштирок этишди.

Халқаро ташкилотлар билан ўтказилган музокаралар

1. Жорий йилнинг 2 февраль санасида Жаҳон банкининг “Марказий Осиёда инфратузилмани бошқаришни баҳолаш” дастури техник миссия раҳбари давлат бошқаруви бўйича катта мутахассис Даниелла Фелкман бошчилигидаги делегация вакиллари ва Қўмита мутасаддилар ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда табиий монополия субъектлари хизматлари учун тарифларни белгилаш тартиблари, шу жумладан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар белгиланиши, давлат томонидан тартибга солиниши, сув таъминотида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, давлат кўмаги назорат қилиниши ҳамда давлат харидлари йўналишларида Қўмитанинг функция ҳамда вазифалари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

2. Қўмита ҳамда Халқаро ҳамкорлик бўйича Германиянинг Sparkassenstiftung ташкилоти ўртасида имзоланган меморандум доирасида жорий йилнинг 6 февраль санасида Қўмита биносида “Sparkassenstiftung” ташкилоти ҳамда Қўмита вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир давомида “Sparkassenstiftung” ташкилоти мавжуд ҳамкорлик доирасида янги лойиҳалар устида ишлашга, Германия ва хорижий давлатларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари тузилмаси ва фаолияти ҳақида маълумот алмашишга ҳамда Қўмита билан ҳамкорликда Қўмита тизими ходимларининг ва фуқароларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув курслари, тадбирларни ташкил қилишга ва қўлланмалар, дастурлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

3. 2023 йил 9 февраль куни Осиё тараққиёт банки (ОТБ) молия сектори катта иқтисодчиси Эндрю Маккартни бошчилигидаги миссия вакиллари Қўмита мутасаддилари билан учрашди.

Ушбу учрашувда томонлар ОТБ томонидан Ўзбекистон Республикасида микромолия секторини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган кўмакни муҳокама қилди.

4. Жорий йилнинг 24 март куни Осиё тараққиёт банкининг Молиявий саводхонлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро маслаҳатчиси Жами С. Хаббард Солли бошчилигидаги вакиллар ва Қўмита мутасаддилари ўртасида видеоконференцалоқа режимида учрашув бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда иштирокчилар томонидан Қўмитанинг молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ва ушбу йўналишда қандай ўрганишлар олиб борилаётгани муҳокама қилинди.

5. Жорий йилнинг 27 март куни Қўмита ва Ridetech International B.V. (Yandex Taxi) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу учрашув Ridetech International B.V. вакиллари билан 2022 йил 1 ноябрдаги учрашувнинг мантиқий давоми ҳамда 2023 йил феврал ойида Қўмита томонидан жўнатилган сўровига мазкур компаниянинг жавобларининг таҳлили юзасидан учрашув ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур компаниянинг 2023 йил октябрь ойида Қўмитага юборган мурожаат хатига мувофиқ, жорий йилнинг 26 октябрь куни компания вакили Павел Палкичев билан учрашув ўтказилди.

6. Қўмита ҳамда Британиялик эксперт Том Пенгели билан 2023 йил 6 ноябр куни “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Савдо Ташкилотига қўшилишини қўллаб қувватлаш” техник кўмаги лойиҳаси доирасида интеллектуал мулк соҳаси бўйича учрашув ўтказилди.

Учрашувда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо-сотик билан боғлиқ жиҳатлари, интеллектуал мулк муҳофазаси ва уни янада такомиллаштириш бўйича муҳокамалар ўтказилди.

7. 2023 йил 6-9 июль кунлари Қўмита томонидан рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган йирик халқаро конференция ҳамда унинг доирасида тематик семинарлар ташкил этилди.

8. 2023 йил 23-30 октябрь кунлари Жаҳон банкининг катта иқтисодчиси Марианна Йотти бошчилигидаги аралаш миссия доирасида Жаҳон банки иштирокидаги “Институционал салоҳиятни ошириш” лойиҳаси доирасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ОЭСР) **Товар бозорларни тартибга солиш индекси** (Product Market regulation – PMR) асосида республикада иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобат муҳити диагностикасини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича сўровномаларни муҳокама қилиш мақсадида тегишли вазирлик ва идораларнинг маъсул ходимлари ва мутахассислари иштирокида учрашувлар Жаҳон банки ва Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилди.

9. 2023 йил давомида Жаҳон банкининг Ўзбекистонда институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси (ICBP) доирасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) Товар бозорларини тартибга солиш индексини (Product Market Regulation-PMR) ҳисоблаш учун тегишли маълумотларни йиғиш ҳамда умумлаштириш бўйича маҳаллий ҳамда халқаро ҳуқуқшунос маслаҳатчини танлаш бўйича” техник вазифасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминланди ҳамда маҳаллий консультант Пўлатбек

Абдумуталов ҳамда халқаро консультант Манана Шургулая танлаб олинди ва тасдиқланди. 2023 йилнинг июнь-июль ҳамда октябрь-декабрь ойларида қайд этилган экспертлар ҳамда Жаҳон банкининг экспертлари билан ҳамкорликда Жаҳон банкининг Ўзбекистонда институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси (ICBP) доирасида PMR бўйича саволномалар доирасида тегишли давлат органлари, вазирликлар ва идораларининг жавоблари олинди, тизимлаштирилди ва муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

10. 2023 йил 13 ноябрь куни Жаҳон банкининг катта иқтисодчиси Марианна Йотти бошчилигидаги миссия ташрифи доирасида Жаҳон банки иштирокидаги “Институционал салоҳиятни ошириш” лойиҳаси доирасида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раҳбарияти билан учрашув ўтказилди.

11. 2023 йил 11-18 ноябрь кунлари ЖСТ билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия раиси Жамшид Хўжаев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ишчи гуруҳининг 7-йиғилишини ўтказиш учун Қўмита делегацияси Женевада бўлди.

12. 2023 йил 30 ноябрда БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD)га иштирокида “Трансчегаравий картеллар билан ишлаш бўйича универсал қўлланманинг аҳамияти” мавзусида онлайн шаклда учрашув бўлиб ўтди.

13. 2023 йил 25-26 декабрь кунлари ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг 7-чи йиғилиши доирасида Қўмита раиси ўринбосари Ф.Карабаев бошчилигидаги Қўмита делегацияси иштирок этди.

Мазкур тадбир доирасида 2023 йил 26 декабрда Қўмита ҳамда Туркия Рақобат органи ўртасида рақобат сиёсати соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди ҳамда Меморандумини амалга ошириш билан боғлиқ 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасига киритиладиган чора-тадбирларнинг муҳим йўналишлари белгилаб олинди ҳамда 2024-2025 йилларда ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга келишилди.

Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Туркий давлатлар Рақобат кенгаши тузилиши масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, 2024-2025 йилларда Туркия Рақобат органи томонидан ташкил этиладиган 3-6 ойлик касбий амалиётларда Қўмита ходимларининг иштирок этишини ташкил этиш ҳамда 2024 йилда рақамли бозорларда таҳлил ва устун мавқени сууистеъмол қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда Туркия рақобат органи тажрибасини ўрганиш учун, Қўмитага Туркия рақобат органи мутахассисларини қисқа муддатли (1-2 ҳафталик) тажриба алмашиш учун юборишга келишиб олинди.

Қўмита томонидан имзоланган меморандумлар

1. 2022 йил 7 сентябр куни Қўмита ҳамда Россия Монополияга қарши курашиш федерал хизмати ўртасида рақобат сиёсати соҳасида ўзаро англашув ҳамда ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланган.

2. 2021 йил 11 март куни Қўмита ва Қирғизистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида рақобат сиёсати соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланган.

3. 2022 йилнинг 17 ноябр куни Қўмита ҳамда Грузия Миллий рақобат агентлиги ўртасида рақобат қонунчилигини қўллаш соҳасида ўзаро англашув ҳамда ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланган.

Мазкур тадбир давомида, бозор иқтисодиётини самарали ривожланишига кўмаклашишда рақобатнинг ҳал қилувчи роли жиҳатидан ўзаро англашувга эришдилар.

4. 2021 йил 29 июнда Қўмита ҳамда ва Корея Республикаси Корея истеъмолчилар агентлиги ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида англашув Меморандуми имзоланган.

Учрашувда истеъмолчи ҳуқуқлар муҳитини таҳлил қилиш ва истеъмолчилар сиёсатини кучайтириш каби долзарб масалалар учун асос яратилган.

5. 2023 йил 27 июнда Қўмита ҳамда халқаро ҳамкорлик бўйича German Sparkassenstiftung ўртасида молия соҳасидаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида англашув Меморандуми имзоланган.

6. 2023 йил 22 августда Қўмита ҳамда Озарбайжон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Монополияга қарши курашиш ва истеъмол бозорини назорат қилиш давлат хизмати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Баённома имзоланган.

7. 2023 йил 26 декабрда Анқара шаҳрида Қўмита ҳамда Туркия Рақобат органи ўртасида рақобат сиёсати соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланган.